БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 4 (4402)
6 ЯНВАРЬ, 1981 й.
СЕШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БИРЛАШМАНИНГ ЯНГИ БИНОСИ

Шаҳримизда уй-жой ва жамоат бинолари қурилиши билан бирга саноат корхоналарини реконструкциялаш ва уларда янги қувватларни ишга тушириш бўйича ҳам кенг миқёсда бунёдкорлик ишлари олиб бориляпти. 6-қурилиш трестига қарашли 33-қурилиш бошқармасининг бинокорлик коллективлари пойтахтимизнинг Қорақамиш массивида жойлашган «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг янги маъмурий-хўжалик биноси ва ишлаб чиқариш корпусларида сўнггги қурилиш ишларини олиб боришяпти.

Бу ерда бошқарманинг К. Умаров бошлиқ комплекс бригадаси аъзолари айниқса, барақали меҳнат қилдилар. КПСС XXVI съездини муносиб меҳнат совғалари билан қутиб олиш учун ҳаракат қилаётган бунёдкорлар қурилиш ишларини намунали ташкил этиш туфайли объектда иш суръатини оширишга муваффақ бўлишди. Натижада объектда пардозчилар учун муддатидан илгари иш фронти яратиб берилди. Шу трестга қарашли 47-бошқарманинг пардозчилари бу ерда турли жилокорлик ишларини график асосида тўғри ташкил этдилар. Ҳозирги пайтда бирлашманинг янги биносига канализация қувурларини ўтказиш ишлари олиб бориляпти.

СССР трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлигига қарашли «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг янги корпуси бу йил фойдаланишга топширилади.

«Учқун» тўқимачилик галантерея ишлаб чиқариш бирлашмаси ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари адо этди. Коллектив ўн биринчи беш йилликни ҳам яхши суръат билан бошлади. Бу йил улар 18 миллион сўмлик кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришди. Ушбу суратда коллектив ютуғига муносиб ҳисса қўшиб келаётган илғор ишчилардан бири Мавлуда Каримова акс этган. У смена топшириқларини 120— 130 процент адо этиб, ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда.

И. Глауберзон фотоси.

РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ

СОВЕТ КИШИЛАРИ УЧУН

УРГАНЧ. Ўрта Осиё — Марказ газопроводига қарашли «Урганч» компрессор станцияси ходимлари «Средазтрансгаз» бирлашмаси ишчилар таъминоти бўлимига янги йил дастурхони учун етти центнер бодринг етказиб берди. Станция ташкил этилганига уч йил бўлишига қарамай, бу ерда энг эртапишар бодринг етиштирилди. Коллектив барпо этган теплица майдони ҳозирги вақтда сал кам ярим гектарни ташкил этади. Бу йил қишда теплицада биринчи марта узлуксиз сабзавот етиштириш ўзлаштирилди. Бодрингдан кейин помидор пишади, сўнгра кўкатлар, бошқа хил сабзавотлар етказиб берилади.

Бу ўзига хос цех компрессор станцияси технология занжирининг ажралмас қисми бўлиб қолди. Теплица фойдаланиб бўлинган газ ёрдамида иситилади. Станция ишчилари ва инженерлари бунинг учун зарур иссиқлик трассасини лойиҳалаштирдилар ва қуриб бердилар. Бу ерда Б. Наврўзов сабзавоткорлар бригадасига раҳбарлик қилмоқда. Ўтган йили теплицадан 10 минг сўм фойда олинди. Янги беш йиллик мобайнида эса бу кўрсаткич янада ошади: «ойна остидаги полиз майдонини икки баравар кенгайтириш мўлжалланмоқда. Бундан ташқари Қорақумда лимонзор барпо этилди. Бу лимонзор ҳам чиқинди газ ёрдамида иситилади.

***

ФАРҒОНА. Янги йилда бу ерда Фарғона сут комбинатининг янги маҳсулоти сотила бошланди. «Снежок» деб аталувчи бу ўзига хос маҳсулот малина шарбати аралаштирилганлиги сабабли жуда хушбўй ва мазалидир. Яқин кунлар ичида озиқ-овқат саноати ходимлари харидорларни яна иккита янгилик билан хушнуд этадилар. Булар миллий «Чават» ва «Чакка» усулида тайёрланган ҳамда турли шифобахш ўтлар аралаштирилган маҳсулотлардир.

ОДАМ ДАРЕНИ БОШҚАРАДИ

Қашқадарё областидаги 75 километрли «Москва» канали бундан бўён бир кишига бўйсунади. Янги ёй арафасида ишга туширилган телемеханик система пульти ёнидаги оператор тўртта район ерлари суғорилишини бошқаради.

Каналдаги гидротехник иншоотларда монтаж қилинган датчиклар сув сарфи тўғрисида пультга хабар қилиб туради. Қопқоқларни кўтариш ёки туширишни ўзи тегишли кодни теришдан кифоя. «Узгипроводхоз» институти лойиҳалаган телемеханик системани ишлатиш осон, пухта ишлайди. Система далага бир суткада бериладиган сув сарфини ярим миллион куб метргача камайтиришга имкон беради.

Айни маҳалда «электрон диспетчер» ўргатилмоқда ва у тез орада вахтада туради: операторнинг ҳамма командалари электрон-ҳисоб машинасининг алоҳида блокида эслаб қолинмоқда. Келаси йил ҳисобдан машина ана шуларга қараб магистраль каналга боғланган 55 минг гектар ерга бериладиган сувни ўзи бир маромга солиб туради. Шундай қилиб дистанция бошқариш ўрнига автомат бошқариш ишга тушади.

Ҳозир Фарғона водийсидаги ҳамма магистраль каналларда ҳам шундай системалар монтаж қилинмоқда.

(ЎзТАГ).

XXVI Биринчи квартал плани—КПСС XXVI съезди очиладиган кунгача

Бугун Тошкент тўқимачилик комбинатида

ТЕХНИКАНИНГ ОЛТИН КАЛИТИ

Ҳар беш йиллик бошида ишлаб чиқариш илғорларининг ташаббус билан чиқиши яхши анъанага айланиб қолди. Бу табиий ҳол. Ватанимизнинг иқтисодий, социал ривожланишининг ҳар бир беш йиллиги ўз қаҳрамонини кашф этадики, бу советлар мамлакатида меҳнат умумхалқ, шон-шараф ва бахт омили эканлигининг яна бир ёрқин ифодасидир. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Зероки, социалистик мусобақанинг асосий негизи ва асл моҳияти ҳам шундадир.

Ўнинчи беш йиллик бошида ишлаб чиқаришнинг ўн илғор ишчиси қимматли ташаббус билан чиққан эди. Мана, бугунги кунда бу ташаббусга якун ясалмоқда.

Мен ҳам ўзимни ўнлар ташаббуси издошларидан бири деб ҳисоблайман. Бунга меннинг камтарона меҳнатим, беш йиллик давомида эришган баҳоли қудрат меҳнат муваффақиятларим ҳуқуқ беради.

Ўнинчи беш йилликда мен меҳнат қилаётган Тошкент тўқимачилик комбинатидаги иккинчи тўқув фабрикасининг иккинчи тўқув цехида янги, юксак унумли «АТПР-100» маркали мокисиз дастгоҳлар ишга туширилди. Бу биз тўқувчиларга тўқимачилик саноати машинасозлиги томонидан тақдим этилган зўр туҳфа эди. Бу замонавий тўқув дастгоҳи юқори унумдорлиги, бошқариш қулайлиги, шовқин даражаси пастлиги билан биз тўқувчиларни мафтун этди.

1978 йилнинг бошида цех раҳбарлари менга ишонч билдиришди: янги машинада ишлашга ўтдим. Бу менинг меҳнат фаолиятимда ўзига хос, такрорланмас воқеа бўлди. Шу билан бир қаторда, техника мураккаб эди. Уни мукаммал ўзлаштириш лозим эдики, мен буни янги машиналарни бошқаришга ўтган кунимдаёқ ҳис қилдим. Бу борада цехимизнинг илғор ишчиси, биринчи бўлиб янги техникада иш бошлаган, анча-мунча тажриба орттирган Мария Семёновна Чекмазова менга ёрдам берди. Менинг эришган ютуқларимда меҳрибон устозимнинг ҳиссаси салмокли.

Мен у кишидан янги техниканинг сирларини, энг қулай ва самарали маршрутни ўзлаштирдим. Натижада, 1978 йил ўрталарида қарамоғимдаги 18 тўқув дастгоҳига (бу типовой норма) яна 12 та дастгоҳ қўшиб ишлашга ўтдим. 1979 йил бошида эса яна 6 та дастгоҳ қўшиб олишга рухсат сўрадим ва корхонамизда биринчи бўлиб нормадан икки баробар ортиқ дастгоҳга хизмат қила бошладим.

Бу шунчаки осон кўчгани йўқ. Техниканинг олтин қулфи бор. Бу қулфга мос олтин калит ясаш ишчининг маҳоратига, талантига боғлиқдир. Бунинг учун ишчидан зеҳн, интилиш, сабр ва муваффақиятдан эсанкирамаслик талаб қилинади.

Ўз тажрибам ҳақида икки оғиз сўз. Маълумки, ишлаб чиқаришда тезкорлик, сифатлилик бош мезондир. Узилган толани улаш учун тўқувчига 28 минут вақт белгиланган. Мен бу иш процессини 16,7 минутда бажаришга эришяпман. Ҳисоб-китобга кўра мен смена давомида бир ярим соат ютмоқдаман.

Ишнинг тезкор, ҳужжатсиз, зарбдор усулларини қўллаш эвазига бугунги кунда 1982 йил сентябрь ойи ҳисобига иш бошладим. Планга қўшимча дастгоҳларимда ишлаб чиқарилган газлама миқдори 400 минг метрдан ошиб кетди.

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига тақдим этган «Асосий йўналишлари» лойиҳасини қунт билан ўқиб чиқдим. Бундай пайтда ҳар бир коммунистда бўлгани каби, мен ҳам ўз имкониятларимни қайта кўриб чиқиб, партия анжуманига ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йили биринчи квартали планини бажаришга аҳд қилдим.

Каромат ЕҚУББОЕВА,
Тошкент тўқимачилик комбинати 2-тўқув фабрикаси тўқувчиси, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати.

Коммунистик меҳнат зарбдори Александр Кульмизов номини «Подъёмник» заводининг механика цехида ҳурмат билан тилга олишади. Бу ишлаб чиқариш илғори смена топшириқларини 20— 30 процент ортиғи билан адо этиб, коллектив ютуғига муносиб ҳисса қўшиб келяпти.

М. Нуриддинов фотоси.

•Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзида

РЕСПУБЛИКА ЁЗУВЧИЛАРИ КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПАРТИЯ XXVI СЪЕЗДИГА ЛОЙИҲАСИНИ МУҲОКАМА ҚИЛМОҚДАЛАР

Бутун мамлакатимизда Советлар мамлакатининг келгусидаги одимларини белгилаб берувчи, бизни ғалаба ва зафарларга руҳлантирувчи ҳужжат муҳокамаси қизғин бормоқда. Республика ёзувчилари Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашлари қатори КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳасини зўр қизиқиш, ишчанлик билан ўрганмоқдалар. Улар бугунги кунда ўз ижод мевалари КПСС XXVI съездида тасдиқланадиган бунёдкорлик программасида қандай ўрин тутажаги ҳақида ўйламоқдалар.

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзида бўлиб ўтган очиқ партия йиғилишида КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳаси муҳокамаси шу сабабли катта қизиқарли суҳбатга айланиб кетди.

Республика Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари **С. Азимов** «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари тўғрисида» КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съездига лойиҳаси ва Ўзбекистон ёзувчиларининг вазифалари тўғрисида» доклад қилиб шуни таъкидладики, мамлакатимизда иқтисодий ва социал сиёсатимиз масалалари, мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришнинг истиқболлари ва йўллари чинакамига умумхалқ муҳокамасига айланди. Меҳнаткашлар бир қаторда ёзувчилар коммунистик бунёдкорликнинг мураккаб ва энг муҳим ҳаётий масалалари кенг кўлами юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирмоқдалар, партия ва халқ умумий ишининг муваффақиятига зўр қизиқиш билан қарамоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг лойиҳасида келгуси ўн йилликда мамлакатнинг барча соҳаларини ривожлантиришга катта аҳамият берилганини таъкидлаб, докладчи КПСС Марказий Комитети лойиҳасининг агросаноат комплексини ривожлантириш тўғрисидаги бўлимига алоҳида тўхталиб ўтди. Лойиҳадаги: «Шимол дарёлари сувининг бир қисмини Волга дарёси ҳавзасига қуйиш юзасидан тайёргарлик ишларини амалга оширишга киришилсин, шунингдек, Сибирь дарёлари сувини Ўрта Осиё ва Қозоғистонга оқизиш бўйича илмий ва лойиҳа ечими ишлари давом эттирилсин» деган жумлани **«Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг янги ерларини ўзлаштириш бўйича тайёргарлик тадбирларини изчил ўтказиш имкониятини таъминлаш мақсадида ўн биринчи беш йилликда Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Ўрта Осиё ва Қозоғистонга оқизиш бўйича илмий, лойиҳа ва амалий ишларни жадаллаштириш лозим, чунки бу янги ерларни суғориш имконга мана шу лойиҳа амалга ошгандагина эришилади»** деган таҳрирда ёзишни таклиф этди.

У Орол денгизи ҳавзасида рўй бераётган ноқулай вазиятни ҳисобга олиб, шунингдек, «Табиатни муҳофаза қилиш» бўлимидаги **Қора денгиз, Азов денгизи, Болтиқ денгизи, Каспий денгизи** ҳавзаларида сувни муҳофаза қилиш объектларини қурилишини жадаллаштириш зарурлиги ҳаққоний қайд этиб ўтилган жойда денгизлар рўйхатидаги Азов денгизидан сўнг Орол денгизини ҳам ёзиб қўйишни таклиф этди.

Сўнгра у республика ёзувчилари КПСС XXVI съездига қандай совғалар тайёрлашаётгани ҳақида гапириб, шуни таъкидладики, ўтган беш йилликда Ўзбекистон адабиёти замондошимиз маънавий дунёсини янада яхшироқ ифода этиш йўлларини муттасил излади. Бу йиллар ичида нашр қилинган китобларда ҳаётий ва ҳаққоний образлар, ёрқин характерларнинг бутун бир галереяси яратилди.

Музокарада сўзга чиққан Ўзбекистон халқ ёзувчиси **Назир Сафаров**, «Шарқ юлдузи» журналининг бош редактори **Миртемир**, ёзувчи **Михаил Гребенюк**, «Ўзбекистон маданияти» газетасининг бош редактори **Лазиз Қаюмов**, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётининг бош редактори **Пирмат Шермуҳамедов**, «Йилдиз» журналининг бош редактори **Шамиль Алядин** С. Азимовнинг КПСС Марказий Комитети лойиҳасига киритган ўзгартишларини қўллаб - қувватлашди, республика ёзувчиларининг келгуси даврдаги вазифаларига тўхталиб ўтишди.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳасидан республика ёзувчилар ташкилоти учун келиб чиқадиган вазифалар белгилаб берилган резолюция қабул қилинди.

А. ТЮРИКОВ.

•Санъат янгилиги

ПАРТИЯНИ УЛУҒЛАБ

Тошкент шаҳар кинолаштириш бошқармаси жонажон партиямизнинг бўлажак XXVI ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездларига бағишлаб қатор маданий тадбирларни ўтказмоқда. Шулардан бири партия съездига бағишланган бадиий фильмлар кинофестивалидир.

БУГУН

пойтахт кинотеатрларининг экранларида мамлакатимизнинг марказий шаҳарларидаги киностудияларда тайёрланган бадиий фильмларнинг фестивали бошланди. Шу муносабат билан бошқарма бошлиғи Турғун Ҳидиров мухбиримизга қуйидагиларни билдирди:

— Шаҳримизнинг Санъат саройи, «Чайка», «Тошкент Совети 50 йиллиги», «Москва», «Дружба», «Қозоғистон», «Восток» кинотеатрлари ана шу фестиваль учун ажратиб қўйилди. Бугун бу маданият даргоҳлари томошабинлар билан одатдагидан ҳам гавжум. Уларда Москва шаҳридаги киностудияларнинг қатор фильмлари кўрсатила бошланди. Томошабинлар диққатига «Экипаж», «Огарев қўчаси 6-уй», «ХХ аср қароқчилари», «Алоҳида муҳим топшириқ билан», «Фавқулодда мақсаддаги поезд» сингари фильмларни кўришга муяссар бўладилар. Фильмлар кўрсатилиши олдидан картиналардаги асосий ролларни ижро этган машҳур совет кино санъати усталари ҳаёти ва ижодига бағишлаб кечалар ташкил қилинади, фотокўргазмалар намойиш этилади.

Жонажон партиямизнинг анжуманларини улуғлайдиган бу фестиваль 23 январгача давом этади. Унинг асосий программасидан ўрин оладиган картиналарда партия ва ҳукуматимизнинг доно сиёсатини ҳаётда изчиллик билан амалга ошираётган жасоратли кишилар, олимлар, узоқ ўлкаларни ўзлаштираётган қаҳрамонлар, ўзининг жасорати билан бунёдкорликни кўрсатаётган оддий кишилар мадҳ этилади.

тонгги газеталарда

◆ Лаос Халқ революцион партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Лаос Халқ Демократик Республикасининг Бош министри Кейсон Фомвихан ва Лаос Халқ Демократик Республикасининг Президенти, Лаос Халқ Демократик Республика Олий халқ кенгашининг Раиси Суфанувонгнинг КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Леонид Ильич Брежнев ва СССР Министрлар Советининг Раиси Николай Александрович Тихонов ўртоқларга йўллаган жавоб телеграммаси эълон қилинган. Унда Лаос Халқ Демократик Республикаси эълон қилинган куннинг беш йиллигига муносабати билан йўлланган қизғин табрик ва энг яхши истаклар учун самимий миннатдорчилик изҳор этилади.

◆ «Металлни тежайлик»— «Правда» газетасининг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

УЙЛАР ИССИҚ БЎЛСИН ДЕБ...

ШУ КУННИНГ МАВЗУИДА

Шаҳар уй-жой ташкилотларининг коллективлари бу йилги қишга пухта тайёргарлик қўришди. Профилактика ва ремонт ишларини ўтказиш бўйича кўзда тутилган тадбирлар олдиндан тузиб олинганлиги яхши натижалар берди. **Дастлабки совуқлар маҳаллий Советларнинг кўпгина уйлари қишга тайёр эканлигини кўрсатди.** Ўтган йилнинг ёз ва кузида тўрт минг уйда иситиш системаларини ремонт қилиш ва ювиш ишлари бажарилди, қозонхоналар тартибга келтирилди.

Уй-жой ташкилотлари ертўлалар, электр тармоқлари ҳолатини текширишни ёддан чиқаришгани йўқ. Шуни таъкидлаш керакки, бу катта ва муҳим ишда бизга аҳолидан ташкил этилган кўнгилли ремонт дружинаси сезиларли ёрдам кўрсатишди. Улар уйлар, квартиралар атрофларини ободонлаштиришда кўмаклашишди, подъездлардаги эшикларни тузатиш билан шуғулланишди.

Уй-жой фонди сақланиши бўйича ўтказилган жамоат кўриги фойдали бўлди. Бу кампания даврида уй-жой ташкилотларининг активистлари ремонтга муҳтож квартираларни аниқлашди, аҳолига уйлардан фойдаланиш қоидаларини тушунтиришди, хоналарни қишга мослаб жиҳозлаш керакligини уқтиришди.

Шунга қарамай биз бугун барча уйлар совуқ кунларга тайёр эди дея олмаймиз. Ўтказилган текшириш бу ишда бир қанча нуқсонлар борлигини кўрсатди. Зинапоялар ва подъездларнинг эшикларини ойналаш ишларини тугалланмади, ертўлаларнинг туйнуқлари беркитилмади. Натижада айрим квартиралардаги ҳарорат нормадан паст бўлиб қолди. **Ҳозир нуқсонларни бартараф этиш чоралари кўриляпти.**

Тошкентликларга иссиқликни сақлаш ишига уларнинг ўзлари ҳам ҳисса қўшишлари зарурлигини эслатиб ўтмоқчиман. Биринчи навбатда эшик ва деразаларни яхши сақлаш, туйнукларни беркитиш зарур! Иссиқ сув, электр, газни тежамкорлик билан сарфлаш керак. Бу муҳим ишда уй комитетларининг аъзолари, жамоатчилик фаол қатнашиши мумкин. Аҳоли ўртасида олиб борилаётган ишларни кенгайтириш, уйжойни сақлаш, иссиқлик ва электр энергиясини тежаш зарурлигини тушунтириш лозим. Буларнинг ҳаммаси бизнинг умумий манфаатларимизга хизмат қилади.

У. РИЗАЕВ,
шаҳар уй-жой бошқармасининг бошлиғи.

Депутатлар ташаббускор

КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун умумхалқ мусобақасига қўшилган лак-бўёк заводнинг коллективи шонли сана шарафига оширилган социалистик мажбурият қабул қилган эди. Унда съезд очиладиган кунгача биринчи квартал планини — 23 февралгача бажариш ташаббусини бошлаб беришган эди. Бу ташаббус бутун бригадалар, участкалар, цехлар коллективи томонидан қўллаб-қувватланди. Съезд шарафига бошланган 26 зарблар ҳафта давом этмоқда.

Республика театр жамиятининг актёрлар уйида ёшлар учун ташкил этилган «Ҳаёт ва ижод» адабиёт ва санъат журнали мунтазам ишлаб турибди. У асосан ҳунартехника билим юртларида ва ўрта мактабларнинг ўқувчиларига мўлжалланган.

Журналнинг куни кечагина бўлиб ўтган навбатдаги сонида пойтахтимиз санъат даргоҳларининг ёш талантлари тингловчилар олдида ижодий ҳисобот бердилар. Бунда асосан Мухтор Ашрафий номли Тошкент Давлат консерваториясининг студентлари ишлаб чиқариш, 10 минг киловатт-соат электр энергияси тежаш қайд этилган. Ана шу тежалган электр энергиясидан съезд ишлаб турган кунларда маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилинди.

Корхона меҳнаткашлари ўртасида ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажарган Куйбишев район Совети депутатлари Т. Саидаҳмадов, К. Денисова, А. Гаврилов ва бошқалар биринчи бўлиб: 1981 йилнинг биринчи квартал планини — 23 февралгача бажариш ташаббусини бошлаб беришган эди. Бу ташаббус бутун бригадалар, участкалар, цехлар коллективи томонидан қўллаб-қувватланди. Съезд шарафига бошланган 26 зарблар ҳафта давом этмоқда.

Ижодий ҳисобот

МАДАНИЯТ ЯНГИЛИГИ

қатнашдилар. Музика даргоҳининг ижодкорлари Иявер Сеттаров, Юрий Кондратьев, Мухтор Бойматов, Саодат Холхўжаева, концертмейстер Лариса Абдуқаюмовалар қатнашдилар. Улар ижросида жаҳон рус, ўзбек композиторларининг асарларидан намуналар тингланди. Айниқса, Мухтор Бойматов Чайковскийнинг «Пиковая дама»операсидан Герман, Даргомижский нинг «Русалка» операсидан князь Каватин ариялари, Саодат Холхўжаева эса Сенсансининг «Тансон ва Данила» операсидан Данила ариясини маҳорат билан ижро этдилар.

Журнал саҳифаларида «Ўзбекфильм» киностудиясининг режиссёри Шарофат Шокирова мультипликацион фильмлар қандай яратилиши ҳақида гапириб берди ва ўзининг «Сеҳрли камонча» картинасини намойиш этди.

телетаип лентасидан

● КОПЕНГАГЕН. Дания пойтахтида ичимлик сув санитария нормаларига тўғри келмайди. Копенгаген шаҳар кенгашининг докладида ана шундай хулоса чиқарилган. Шаҳар водопровод системаси эскириб қолган. Кўпгина сув тозалаш иншоотлари қониқарсиз аҳволда бўлиб, ремонт қилишни талаб этмоқда. Бироқ корхона эгаларининг масъулиятсиз ҳатти-ҳаракатлари шаҳар маъмурларини айниқса ташвишлантирмоқда. Корхона эгалари саноат чиқитларини олдиндан тозаламай кўпинча дарё ва ҳовузларга ташламоқдалар.

● ПАРИЖ. Франция пойтахти жиддий тангликни бошидан кечирмоқда. «Ви увриер» касаба союз ҳафтаномасининг маълумотларига кўра, Парижда 1974 йилнинг апрелидан 1980 йилнинг августигача бўлган давр ичида ишсизлар сони 81,4 процент кўпайган. Ишсизлар кўпайганлиги, уй-жой танглики ва нарх-наво тинимсиз ошиб бораётганлиги сабабли ҳар тўрт оиладан бири она юртини ташлаб кетишга мажбур бўлмоқда. Пойтахтда бўш турган уй-жойлар жуда кўп, лекин ишчи ва хизматчилар бу уйлар учун ижара ҳақини тўлай олмайди. Бу уйларда парижликлардан 200.000 оила яшаши мумкин эди. Франция пойтахтининг меҳнаткаш аҳолиси Франция Компартияси ва демократик касаба союзларининг мадади билан «қаттиқ тежаш» сиёсатига, ишсизликка ва пулнинг қадрсизланишига қарши олиб бораётган курашини кучайтирмоқда.

● ЛОНДОН. Буюк Британиядаги шаҳарлар яқин келажакда хароба-ларга айланади. «Шелтер» жамоат ташкилоти мамлакатда уй-жой қурилиши соҳасида вужудга келган аҳволни ана шундай таърифламоқда. Ана шу ташкилотнинг бу ерда эълон қилинган тадқиқотида бундай дейилади: «Биз уй-жой ҳалокати олдида турибмиз. Шу ҳалокат натижасида 80-йилларнинг ўрталарига бориб миллионлаб инглизлар бошпанасиз қолади».

● ВАШИНГТОН. 1980 йилда АҚШ пойтахтида 170 мартадан кўпроқ қурол ишлатиб қотиллик қилинган. Умуман мамлакатда эса 13 мингдан кўпроқ қотиллик содир бўлган. «Вашингтон стар» газетаси ана шу мудҳиш статистикани келтириб, отиш қуроллари назоратсиз равишда сотиш АҚШда қотиллик сони кўпайиб бораётганлигининг асосий сабабларидан бири бўлмоқда, деб таъкидлайди. Ҳозирги вақтда, деб ёзади газета, америкаликларнинг хусусий фойдаланишида 50 миллиондан кўпроқ қурол бор.

● НЬЮ-ЙОРК. Янги ўн йилликнинг биринчи йили Нью-Йорк шаҳар тарихида энг оғир бўлган 70-йилларга нисбатан ҳеч қандай яхшилик келтирмади, деб ёзади «Нью-Йорк дейли ньюс» газетаси.

Эски йилда Америкадаги энг йирик шаҳарда мактаблар ва касалхоналар ёпилди, муниципалитет ишчиларининг сони янада камайди, жиноятчилик кескин равишда кўпайди. 1980 йилдан Нью-Йоркда навбатдаги «рекорд» ўрнатилди: бу ерда 1.750 дан кўпроқ киши ўлдирилди.

Шаҳарда иш жойларининг сони, деб уқтиради «Нью-Йорк дейли ньюс» газетаси, 12 мингтага камайди. Ҳозирги вақтда аҳолининг атиги 51 проценти иш билан таъминланган. АҚШ меҳнат министрлиги меҳнат статистика бюроси регионал бошқармасининг маълумотларига қараганда, иш билан таъминланиш умуммиллий даражадан анча пастдир.

(ТАСС).

XXVI ПАРТИЯ РЕЖАЛАРИ — ХАЛҚ РЕЖАЛАРИ

АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАР ЛОЙИҲАСИ — УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев партия Марказий Комитети октябрь (1980 йил) Пленумида сўзлаган нутқида: «Ошкоралик, партиянинг фаолияти тўғрисида оммани хабардор қилиш биз учун қатъий қонундир», деб таъкидлаган эди. Пойтахт бошлангич партия ташкилотлари бу ленинча қоидага қатъий амал қилмоқда.

Қуйида «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитети секретари Владимир Андреевич БУХМАСТОВ махсус мухбиримизга партия йиғилишларининг иш самарадорлиги ва сифатини ошириш, коммунистларни тарбиялашдаги роли ҳақида гапириб беради.

— Ўн биринчи беш йиллик ҳам бошланди. Барча совет халқи сингари, пойтахтимиз, шу жумладан корхонамиз меҳнатчилари партиямиз XXV съезди белгилаб берган режаларни муваффақиятли амалга оширяптилар. Ёдимизда, беш йилликнинг якунловчи йили ленинчасига зарбдорона ишлаш йили деб эълон қилинган эди. Унинг яна бир аҳамияти шунда бўлдики, бошланғич партия ташкилотлари ўз коммунистлари олдида ҳисоб бердилар. Партия ташкилотларидаги ҳисобот-сайлов кампанияси, Леонид Ильич Брежнев айтиб ўтганидек, «бу ҳамиша партия ҳаётидаги масъулиятли палла, лекин съездолди даврида унинг аҳамияти айниқса буюндир». Бунга жуда яхши тушунган корхонамиз коммунистлари партия йиғилишларининг таъсир кучини оширишга, уларда самалий, ўткир, шу куннинг долзарб масалаларини муҳокама қилишга интилдилар, оқаруа масалаларни ўз-ўзини танқид шароитида кўриб чиқишга, камчилик ва нуқсонларни холисона очиб ташлашга, барча тўпланган тажрибаларни эса қўллаб-қувватлаб, умумлаштиришга муҳим эътиборни қаратдилар.

— Ана шундай йиғилишлардан бири ҳақида, унинг таъсир кучи ҳақида конкрет мисол келтиролмайсизми?

— Корхона партия комитети партия йиғилишларидан бири муҳокамасига ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш тўғрисидаги масалани қўйди. Очиғини айтганда ,авваллари бизда маҳсулот сифати қўнгилдагидек эмас эди. Харидорларнинг ҳаққоний эътиросларини эшитишга тўғри келарди. Бу эса бирлашма коллективини, партия комитетини ташвишга солмай ложи йўқ эди. Шунинг учун ҳам биз бу йиғилишга ҳар томонлама катта тайёргарлик кўрдик. Ахир, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш ўнинчи беш йиллиникинг асосий шиорилиги! Биз 1978 йилда ҳам бирлашмада давлат Сифат белгиси билан маҳсулот ишлаб чиқариш плани бажарилмаганини ҳам яхши билардик. Хулас, партия йиғилишига тайёргарлик кўриш учун партком аъзоси Галина Николаевна Малёванная раҳбарлигида комиссия ташкил этдик. Унинг составига цех партия ташкилоти секретарлари, хўжалик раҳбарлари, бирлашма ветеранлари, ишлаб чиқариш илғорлари киритилди. Бу комиссия ишлаб чиқаришнинг барча звеноларидаги аҳволни чуқур ўрганди ва таҳлил этди. Технологик жараёнинг барча босқичларида буюм сифатининг аҳволи ўрганилди. Айниқса, мебель шчитлари тайёрлаб беришга ихтисослаштирилган бош корхонанинг 4-фабрикаси ва 1-цехда технологик интизомга қандай риоя қилинаётганига алоҳида эътибор берилди. Чунки уларда маҳсулот сифати кўрсаткичлари анча паст эди. Йиғилишга тайёргарлик жараёнида турли ҳужжатларни ўрганишдан ташқари комиссия аъзолари ана шу асосий ишлаб чиқариш участкалари ишчилари ва инженер-техник ходимлари билан суҳбатлашдилар. Улар иш сифатини яхшилашга қаратилган ўз таклифларини билдирдилар. Бу-ларнинг ҳаммаси комиссия аъзолари томонидан ҳисобга олинди. Партком аъзоси Фанна Адамовна Шликова бошчилигида эса йиғилиш қарорининг лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бу лойиҳада коммунистлар оддий ишчиларнинг фикр-мулоҳазалари ҳисобга олинди. Йиғилишга мана шундай уюшқоқлик билан, пухта тайёргарлик кўриш барча коммунистларга бу масалага олдиндан жиддий тайёргарлик кўриш имконини бердн. муҳокама этилган масалага ҳамма танқидий ёндошди. Партия йиғилишида 4-фабриканинг бош технологи, коммунист Ҳожимуродов, техника назорати бўлимининг бошлиғи коммунист Крицкийлар ҳаққоний танқид қилиндилар. Бундан 1-цех бошлиғи Мирзоҳид Арслонов, 4-фабрика директори Яковь Кравченколар тўғри хулоса чиқариб олишди. Сўзга чиққанлар фақат мавжуд аҳволни танқид қилиш билан кифояланмай, балки ўзлари тилга олган камчиликларга барҳам бериш йўлларини ҳам айтиб ўтдилар. Буларнинг ҳаммаси йиғилиш қабул қилган қарорда ўз аксини топди.

Партия комитети эса қарор ижросини назорат остига олди. Белгиланган тадбирлар қандай бажарилаётгани ҳақида коммунистларга кейинги йиғилишда ахборот берилди. Биз ўртоқ Л. И. Брежневнинг октябрь Пленумида: «Коммунистларнинг танқидий фикр-мулоҳазалари ва таклифлари жуда қимматлидир» деб айтган сўзларини доимо ёдда тутамиз. Бирлашма партия комитети ҳар бир йиғилиш қарорининг, коммунист танқидий мулоҳазаснинг амалга ошиши учун изчил курашмоқда. Нега-ки, бу йиғилишларимизнинг таъсирчанлигини танқиднинг таъсирчанлигини оширяпти.

— Бу иш самарадорлиги ва сифатига қандай таъсир кўрсатяпти?

— Натижа яққол кўриниб турибди. Бирлашмамиз коллективи ўтган йилнинг учинчи кварталида мебель ва ёғочни қайта ишлаш саноати министрлигининг кўчма Қизил Байроғини олишга муносавол! Биз, кўпинча, йиғилишларда қандай карор қабул қилингани билан қизиқамиз, лекин уни адо этишга ҳар бир коммунист қандай ҳисса қўшаётгани ҳақидаги масалага негадир кам эътибор берамиз. Биз бу камчиликка барҳам беришга интилдик. Бирлашма партия комитети вақти-вақти билан ишлаб чиқаришнинг масъул участкаларидаги коммунистларнинг ҳисоботларини тинглаб боришни йўлга қўйди. Аниқ айтишим мумкин, бу борада коммунистик меҳнат зарбдори Орлянский бошчилик қилаётган 2-фабрика, коммунист Аббосов етакчилик қилаётган биринчи фабрика партия ташкилотлари ибратли ишларни амалга оширишяпти. Партия ва меҳнат ветерани, коммунистик меҳнат зарбдори Галина Попова бошчилик қилаётган пардозловчилар бригадаси коммунистлари ҳам коллективда ўзаро ёрдам ва талабчанлик, ўз ишига танқидий ёндошиш вазнятини яратганлар. Шак-шубҳа йўққи, коммунистларнинг юксак масъулият ҳисси сезишлари корхонани техника жиҳатдан қайта қуроллантириш, технологик интизомни ошириш имконини берди. Масалан кейинги пайтларда ана шунга қаратилган 80 дан зиёд муҳим тадбирлар амалга оширилдики, бунинг иктисодий самараси 750 минг сўмдан ошиб кетди. Янги поток линия эса муддатидан илгари ишга туширилди.

Шу кунларда эса барча цех партия ташкилотларида «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981— 1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари тўғрисида» КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳаси кенг ва чуқур ўрганиляпти. Бу ҳужжат асосида келгусининг конкрет иш программаси белгилаб олиняпти.

Ҳ. ИКРОМОВ.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

ҚАРОР ИЖРОСИ БИЛАН

«...БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ БИРИНЧИ КУНЛАРИДАНОҚ ҲАР БИР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОЛЛЕКТИВИДА ПЛАН ТОПШИРИҚЛАРИНИ СЎЗСИЗ БАЖАРИШ УЧУН МЕҲНАТКАШЛАРНИ САФАРБАР ҚИЛИШЛАРИ, ИШ УСЛУБИ ВА МЕТОДЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШЛАРИ... ЛОЗИМ. ХОДИМЛАРНИ ЮКСАК ОНГЛИЛИК ВА ТОПШИРИЛГАН ИШ УЧУН МАСЪУЛИЯТНИ СЕЗИШ РУҲИДА, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ҲАМДА ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДА ЮКСАК ПИРОВАРД НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИШ ВАЗИФАЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШДА ҲАР БИР КИШИНИНГ ҚУШАДИГАН ҲИССАСИ МУҲИМ ЭКАНЛИГИНИ ЧУҚУР АНГЛАШ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ ЗАРУР».

(КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳасидан).

Зулфия Назарова шаҳримиздаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг иккинчи филиалида ўн йилдан бери самарали меҳнат қилиб келади. Бу илғор ишчи мунтазам равишда смена топшириқларини ортиғи билан адо этиб, сифатли маҳсулот топширмоқда.

СУРАТДА: З. Назарова иш устида.

Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

Республика бўйлаб

Сурхондарё областида картошка экишга киришилди. 300 гектар майдонга картошка экиш мўлжалланмоқда. Бу — 1981 йил ҳосили учун ажратилган бутун майдоннинг ярмидир. Сабзавоткорлар кузда экилган картошка жанубнинг илиқ қиш мавсумини яхши ўтказишини, баҳор фаслида эса картошка уруғи деярли тўла-тўкис униб чиқишини ўтган йиллар тажрибасидан яхши биладилар. Сурхон— Шеробод даштини ўзлаштирувчилар апрель ойидаёқ янги картошка оладилар.

∴ ∴ ∴

Шаҳрисабз районидаги қўриқ «Навбаҳор» совхозининг деҳқонлари бир кунда йигирмата ҳовли тўйини ўтказдилар. Яқин атрофдаги қишлоқ сарой хуторидан ўшанча оила экспериментал поселкадаги уйларга кўчиб киришди. Бу поселканинг биринчи навбатини «Кашкадарьё облсельстрой» трестига қарашли 2-механизациялашган колоннанинг коллективи белгиланган муддатдан бир ярим ой илгари фойдаланишга топширди. Бу ерда шаҳар қулайликларининг бутун комплекси мавжуд. Бинокорлар поселканинг ташқи қиёфаси тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилдилар. Бинолар ёрқин миллий нақш билан безатилган, уйларга туташиб кетган участкаларда баланд терак ва чинорлар ўтказилган.

∴ ∴ ∴

Ғалаба районидаги Волков номли совхозда айни бир вақтда 1500 бош қорамол боқиш учун мўлжалланган бузоқлар ўстириладиган комплекс ишга тушди. Комплекс фермалари тўла-тўкис механизациялаштирилган. Транспортер лентаси ем-хашак тайёрлаш цехини бузоқлар асраладиган бинолари билан боғлайди, молларга сув бериш автоматлаштирилган. Бинолар ичишнинг оригинал системаси ташкил этилган: бинолларга илиқ ҳавони вентиляция қурилмалари юбориб туради.

∴ ∴ ∴

Урганч районидаги Калинин номли колхознинг ўн беш минг квадрат метр унумдор ерида янги теплица комплекси ташкил этилди. Бу хўжалик деҳқонларга бутун йил давомида сабзавот ва картошка етиштириш имконини беради. Ҳозирдаёқ дастлабки эгатлар олинди, кўп ўтмай сабзавоткорлар пиёз, помидор, бодринг, картошка, сабзи экишга киришадилар.

[ЎзТАГ].

ИШЧИ ЎЗ ҲАМКАСБИ ҲАҚИДА

ПАРВОЗ ЭТГИЛ, ОМИНА

...Мен Омина билан ўтган йилнинг октябрь ойида бирлашма комсомол-ёшларининг ҳисобот-сайлов конференциясида танишган эдим. Ўрта бўйли, жуссаси кичкина, жингалак сочли, содда ва камтарин бу қиз ўзини оғир ва вазмин тутиши билан мени ўзига жалб этди. Ҳисобот-сайлов конференциясида бирлашма комсомол- ёшлари пойафзал ишлаб чиқариш цехининг ишчан контролери, коммунист, Сергели район Советининг депутати Омина Давлетовага юксак ишонч билдиришиб, уни комсомол комитетининг бюро аъзолигига сайлашди...

Омина баъзи ёшларга ўхшаб, «Ўрта мактабни битираман-у, қандай бўлмасин борорта олий ўқув юртига кириб оламан», деган мақсадни ўз олдига қўймади. Ўнинчи синфни тугатгач, кўпгина ёшлар каби корхонада ишчи бўлиб меҳнат қилишга аҳд қилди. Кадрлар бўлимининг бошлиғи Оминанинг ҳужжатларини синчковлик билан кўздан кечирар экан: «Хўш, қайси цехда ишламоқчисиз, синглим?» деди самимий оҳангда.

— Агар мумкин бўлса, янги ташкил қилинган пойафзал цехида ишлаш ниятида эдим, — деди тортинибгина Омина. — Эшитишимга қараганда бу цехда ёшлар кўпчиликни ташкил қилар экан, тўғрими?

— Ҳа, тўғри,— ҳамон Оминанинг ҳужжатларидан кўзини узмай деди кадрлар бўлимининг бошлиғи.

Орага чўккан бир неча дақиқали сукутнатдан сўнг у ҳужжатларини эгасига қайтариб бераркан, қулимсираб шундай деди:

— Ҳозир пойафзал цехига ишчилар жуда зарур. Бирлашма маъмурияти ишга янги келганларни биринчи навбатда пойафзал цехига юборишимизни тавсия қилган. Цех бошлиғига ариза ёзинг-да, эртадан ишга тушаверинг...

Мана ҳозир шунга ҳам уч йилдан ошибди. Ҳозирги кунда пойафзал цехининг талабчан контролери Омина Давлетова беш йиллик илғори. Ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йили планини июль ойидаёқ уддалади.

Пойафзал цехи коллективи ишлаб чиқараётган маҳсулотлар: турли размердаги эркаклар, аёллар ва болаларнинг пойафзаллари харидорларга манзур бўлмоқда. Бунда ёш контролернинг ҳиссаси каттадир. Чунки у бирорта ҳам брак маҳсулотни «қўлидан ўтказмайди». У маҳсулотларнинг сифатига алоҳида эътибор беради. Шунинг учун ҳам ҳар бир ишчи бракка йўл қўймасликка ҳаракат қилади.

Омина доимо ўз ишига талабчан. Агар қайси бир ишчи бракка йўл қўйган бўлса, ўша ишчига маҳсулотни қайтадан ишлашни талаб қилиб, йўл қўйган камчиликларини тушунтиради, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун керакли маҳсулотлар беради. Шу боисдан ҳам цех раҳбарлари Оминанинг тиришқоклиги ва меҳнатсеварлигини ибратга олиб, уни сифат бўйича штаб раиси қилиб тайинлашди.

Ўтган йил Омина учун қувончларга тўла йил бўлди. 1-кўн заводи коммунистлари уни ўз сафларига қабул қилишди. Халқ депутатлари маҳаллий Советларига бўлиб ўтган сайловлар кампаниясида эса унинг номзодини Сергели район Советининг депутатлигига кўрсатишди.

Ҳали олдинда ёш контролер, меҳнатсевар ва камтарин ишчи, актив жамоатчи, коммунист ва район Советининг депутати Омина Давлетовани қувончларга тўла кунлар, меҳнатда катта муваффақиятлар кутмоқда. Юксакликка парвоз этавер, Омина!

И. ЗОИРОВ,
«Ўзбекистон» суғурта ва табиий кўн ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси.

Сифат ва самарадорлик йўлида

Тошкент қурилиш Бош бошқармасига қарашли «Ташинжстрой» трести коллективи шаҳарда магистраль йўллар, водопровод, канализация ҳамда йирик коллекторларни қуришга ихтисослашган. Трест коллективи беш йиллик плани сентябрь ойида бажариб, 66 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини адо этди.

43 бригададан 36 тасига коммунистик меҳнат бригадаси номи берилган. 20 илғор бригада машҳур бинокор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Злобин методи бўйича ишламоқда. Мирфаёз Ғаниев, Александр Кучинский, Гаффор Абдуллаев, Леонид Маракулин бошлиқ бригадалар беш йилликни уч йилу ўн ойда адо этишган. 6 бригада ва бир участка беш йиллики тўрт йилда, 3 ва 6-қурилиш бошқармалари эса беш йиллики тўрт йилда бажарди. Трест коллективи 1980 йилнинг 11 ойи планини бош пудрат бўйича 107,3 процент қилиб адо этди. Пландаги 11 миллион 560 минг сўмлик ўрнига 12 миллион 415 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди.

—Трестимиз бунёдкорлари, — дейди трест партия ташкилотининг секретари Зокир Солиҳўжаев. — **«СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981— 1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари»** тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съездига лойиҳасини зўр қизиқиш ва ифтихор ҳислари билан ўқиб-ўрганмоқдаа р. Биз ҳужжатдаги истиқбол режалари ва мамлакатимизни яна да ривожлантириш бўйича ғамхўрликка зарбдор меҳнатимиз билан жавоб берамиз.

— «Қурилишда қўл меҳнатини, — дейилади шу ҳужжатда. — **анча қисқартириш, қурилиш ташкилотларини юксак унумли машиналар, механизмлар, автотранспорт билан таъминлаш, уларданфойдаланишни ишда сменаларни ошириш ҳисобига яхшилаш тадбирлари амалга оширилсин. Ишлаб чиқариш тўхтатилмаган ҳолда қурилиш ишларини олиб бориш учун машиналар комплексини ишлаб чиқариш кенгайтирилсин. Қурилиш ташкилотларини кичик механизация воситалари, механизациялашган ва қўл асбоблари билан таъминлаш яхшилансин».**

Бу ғамхўрликларга жавобан қурувчиларнинг ғайрат-шижоатлари тўлиб-тошмоқда. Трест коллективи ўтган йили «Халқлар дўстлиги» майдони комплексига кирувчи 1 миллион 800 минг сўмлик коммуникация коллекторини қуриб, битказдилар. Бундай объект республикада биринчи марта қурилиб синаб кўрилади. Объект аъло баҳога топширилди. Соғлиқ проспектида узунлиги 5 километр бўлган катта диаметрли водопровод иншоотларини фойдаланишга топширилди. Лисунов кўчасида 571 метр узунликдаги катта коллектор ишга туширилди. Шу кунларда Бузсув водопровод тармоғи иншоотида ишлар тезкорлик билан олиб борилмоқда.

Трест ихтирочилари ўтган йили 34 таклифни ишлаб чиқаришга жорий этиб, ундан 250 минг сўмлик фойда олдилар. 6-механизация бошқармасидан бульдозерчи Алексей Савушкин, бош инженер Валерий Саянин, экскаваторчилардан Анатолий Савчуков, Анатолий Фитц, 1-бошқармадан Евгений Абрамбицкийлар киритган таклифлар салмоқли фойда келтирди.

Трест коллективиларги йилни зарбдор суръат билан бошлади. Шу кунларда КПСС XXVI съезди ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини ёруғ юз билан кутиб олиш учун коллектив бунёдкорлари ҳар қачонгидан ҳам шижоаткорона меҳнат қилишмоқда.

Ҳ. ИНОҒОМОВ.



Шаҳримиздаги барча коллективлар қаторидаги «Подъёмник» заводи меҳнат аҳли ҳам КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳасини қизғин муҳокама қилмоқда. Ушбу фотолавҳада Сиз ана шу муҳим ҳужжат муҳокамасида актив иштирок этаётган корхонанинг механика цехи пешқадам токари, коммунистик меҳнат зарбдори Игорь Шарайни кўриб турибсиз. Ҳозир у шу йилнинг апрель ойи ҳисобига меҳнат қилмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

ЎРНАК ОЛСА АРЗИЙДИ

Бизнинг 1-Кисловодск маҳалласи пойтахтимизнинг Киров районида жойлашган. Маҳаллада турли касб эгалари — ўқитувчилар, врачлар, инженерлар ва бошқа мутахассислар истиқомат қилишади. Бирон-бир сана йўқки, у лекторсиз, юрист ва ҳуқуқшунос мутахассисларнинг лекцияларисиз ўтсин. Маҳалланинг шинам безатилган чойхонаси кексалик гаштини сураётган меҳнат ветеранларига хизмат кўрсатяпти. Унда кечқурунлари меҳнаткашлар тўпланишади. Кундалик қилинган меҳнат нашидаси, ҳаёт янгиликлари, районимиз, шаҳримиз, республикамиз ва мамлакатимизда юз бераётган ютуқлар ва янгиликлар ҳақида ўзаро суҳбатлашишади. Қизил бурчакда шахматшашка мусобақалари ўтказилади. Маҳалла бадиий ҳаваскорлари— ҳозирда кексалик гаштини сураётган Т. Абдуллаев, Р. Исахўжаев каби санъаткорлар вақти-вақти билан концерт қўйиб беришади.

КПСС Марказий Комитетининг «Идеология, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорини амалга оширишда Киров район маданият бўлими, «Билим» жамияти район ташкилотининг ходимлари маҳалла активлари билан биргаликда «СССР Конституцияси— жаҳонда энг демократик Конституция», «Республикамиз тараққиётида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг аҳамияти», «Совет турмуш тарзи», «Саломатлик— туман бойлиги» каби мавзуларда лекция ва докладлар ўтказиб туришибди.

Бу ишларнинг ҳаммасига маҳалладаги партия ташкилоти секретари — истеъдодли полковник Т. Ашуралиев, Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветерани, Ленин ордени кавалери И. Файзиев, хотин-қизлар Советидан Ш. Аҳмедова, маҳалла комитети раиси Ю. Қосимов каби активлар бош-қош бўлишяпти.

Н. ЗУФАРОВ,
кекса коммунист, пенсионер.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

МЕҲНАТКАШЛАР ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

БУДАПЕШТ. Венгрияда 1981— 1985 йилларга мўлжалланган социал тараққиёт программаси ишлаб чиқила бошланди. Бу программада меҳнаткашлар фаровонлигини юксалтириш соҳасида олтинчи беш йиллик план қоидаларини амалга оширишда давлат органлари ва маҳаллий кенгашларнинг тадбирлари белгиланади. Келгуси беш йиллик плани мамлакатда эришилган турмуш даражасини мустаҳкамлаш, меҳнаткашларнинг яшаш шароитларини янада яхшилашни кўзда тутади. Социал тараққиёт программаси келгуси йилнинг биринчи ярмида тасдиқлаш учун ҳукумат муҳокамасига тақдим этилади.

Уй-жой программаси келгуси беш йиллик энг муҳим масалалардан бири бўлади. Ана шу программа амалга оширилиши натижасида янги уй-жойлар қуриш ва капитал ремонт қилиш йўли билан Венгрия меҳнаткашларидан яқин миллиондан кўпроқ киши ўз уй-жой шароитини яхшилаб олади.

Беш кунлик иш ҳафтасига ўтиш олтинчи беш йиллика социал соҳадаги муҳим тадбир бўлади.

2 ЮШКЕНТ бет ОҚШОМИ

6 ЯНВАРЬ, 1981 й.

ШАХТАЛАР РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИНМОҚДА

ДЕҲЛИ. Ҳиндистондаги кокслашдиган кўмирнинг энг катта кони бўлган Жхариядаги шахта ва карьерларни реконструкция қилиш бошланди. Бу ишлар эски шахталарда кўмир қазиб чиқаришни тиклаш ва такомиллаштиришнинг узоқ муддатли планида кўзда тутилган. Давлат ана шу мақсадлар учун 20 миллиард рупиядан кўпроқ маблағ ажратмоқда.

Кўмир қазиб олишни кўпайтириш — Ҳиндистон ҳукуматининг энергетика соҳасидаги биринчи галдаги вазифаларидан биридир. Ҳозирги вақтда кўмир саноати ҳар йили мамлакатга юз миллион тоннадан кўпроқ шу асосий ёқилғини бермоқда.

Ишлаб чиқаришни янгилаш зарурати билан боғлиқ бўлган айрим қийинчиликларга қарамай, саноатнинг бу тармоғи ўсишнинг барқарор суръатларини сақлаб қолмоқда. Экономиканинг кўмирга бўлган ва ўсиб бораётган талабини тўлароқ қондириш мақсадида Бихар, Мадьхя-Прадеш, Орисса, Тамилнаду, Махараштра штатларида янги конларни ўзлаштиришга катта эътибор берилмоқда. Якин йиллар ичида шу жойларда бу тармоқнинг қариб 40 та объектини ишга тушириш мўлжаллаб қўйилди.

Совет Иттифоқи билан ҳамкорлик Жхария ҳавзасида ишлаб чиқаришни кенгайтиришга катта ҳисса қўшиш имконини бермоқда. Бу ҳавзадаги кўмирнинг умумий запаслари қариб 13 миллиард тоннани ташкил этади. Совет мутахассисларининг иштироки билан у ерда 10 миллион тонна кўмир запаси бўлган тошкўмир карьери ишлаб чиқилмоқда, бир қанча кўмир бойитиш фабрикаларини ҳам қуриш мўлжалланмоқда.

СССР билан Ҳиндистон шу соҳада ҳамкорлик қилиш борасида катта тажриба ортирган. Совет Иттифоқининг ёрдами билан Ҳиндистонда кўмир қазиб чиқарадиган ўнга якин объект қурилмоқда, реконструкция қилинмоқда ва лойиҳалаштирилмоқда. СССР Ҳиндистонга шахта машина-ускуналари етказиб берадиган асосий мамлакатдир. Совет Иттифоқи малакали миллий кадрлар тайёрлашда ҳам унга ёрдам бермоқда. СССР билан Ҳиндистон ўртасида якинда имзоланган битимда шу соҳада икки мамлакат ўртасидаги самарали алоқаларни янада ривожлантириш кўзда тутилади.

МАШИНАСОЗЛИК ЮКСАЛЯПТИ

СОФИЯ. Ҳозирги вактда Болгарияда саноат маҳсулоти ҳажмининг чорак қисмини машинасозлик буюмлари ташкил этади. Мамлакат аввало Совет Иттифоқига ва бошқа социалистик мамлакатларга экспорт қилаётган бутун маҳсулотнинг деярли ярми ҳам шу буюмлар ҳиссасига тўғри келади.

Машинасозликни муваффақиятли ривожлантириш мустаҳкам илмий потенциалга асослангандир. Тармоқда фан-техника янгиликларини ишлаб чиқиш ва жорий этишда олимлар ва мутахассислардан салкам 150 минг киши қатнашмоқда. Шу беш йиллик мобайнидагина улар машинасозликнинг 300 дан кўпроқ янги буюмларини яратдилар.

ОЛДИНДА МАШАҚҚАТЛИ ЙИЛ

ЛИМА. Перу Компартияси Марказий Комитетининг Бош секретари Хорхе Дель Прадо якинда шу мамлакат ҳукумати қабул қилган нефть конунини Перунинг миллий манфаатларига зид конун деб таърифлади. Бу қонун чет эл компанияларига шу вақтгача «Петроперу» давлат нефть компанияси резерв қилиб сақлаган нефть конларидан фойдаланиш учун капитал маблағ сарфлаш имконини берали. Шунингдек кўп миллатли корпорацияларни бир канча солиқлар тўлашдан озод этади. Бу эса давлат хазинасига якин 20 йил мобайнида тахминан 3 миллиард долларни қўлдан бой бериш хавфини туғдирмоқда.

Хорхе Дель Прадо Перу ҳукуматининг экономика соҳасидаги сиёсатини кескин танқид қилди. Нарх-навонинг тинмай ошаётганлиги ва иш ҳакининг пасайиб бораётганлиги, дейди Перу коммунистларининг раҳбари, 1981 йил Перу кенг халқ оммаси учун машаққатли йил бўлишидан далолат бермоқда.

ТАНИШИНГ, ЮЛДУЗЛАР

КОИНОТ ва ЕР

«Коинот ва Ер» рубрикасини ташкил қилиб, азиз оқшомхонларни хушнуд қилмоқчимиз. Ўтган йили коинот сирлари ҳақида босган мақолаларимиз бўйича редакциямизга кўплаб хатлар келди. Уларда оқшомхонлар келгусида ҳам фан янгиликлари ва космик изланишларни мунтазам ёритишимизни илтимос қилишган.

Маълумки, бизнинг космик асримизда олимлар космик тадқиқотлар билан халқ хўжалигига тегишли талай проблемаларни ҳал қилиш учун курашмоқда. Бу соҳада сезиларли ютуқларга эришилди. Шуларни эътиборга олиб, пла нетамиз — Ерни ўраган космик фазо ва унинг жисмлари, физик табиатлари билан Сиз азиз оқшомхонларни яқиндан таништириб борамиз.

Қуйида коинотнинг кенг тарқалган ва гўзал объектларидан бўлган юлдузларга эътиборингизни тортамиз.

«Коинотдаги космик объектлар ичида энг асосийси қайси бири деб сўраб қолишса,— дейди таниқли совет астрофизиги И. С. Шкловский,— ҳеч иккиланмай юлдузлар деб жавоб берган бўлур эдим».

Олимнинг бундай дейишининг боиси бор, албатта, чунки коинотнинг энг йирик объектлари— Галактикалар асосан юлдузлардан ташкил топган бўлиб. Галактиканинг асосий массаси (қарийб 97 процентга яқини) ундаги юлдузларда мужассамлашган бўлади.

Юлдузлар ҳам Қуёш. Ой ва планеталар каби одамзодга жуда қадимдан таниш бўлишига қарамай, уларгача бўлган масофани аниқлаш учун инсониятга бир неча минг йиллар давомида фаннинг ривожланиши зарур бўлди. Ҳатто. ўз замонасининг машҳур астрономлари Беруний. Коперник ва Кеплерлар ҳам юлдузларни ҳозирда маълум бўлганидек, жуда катта масофаларда ётишларини биллолмадилар. Юлдузларгача бўлган масофалар Қуёш системасида жойлашган осмон жисмлари орасидаги масофалардан миллионлаб марта катта бўлиб, уларни километрларда ёки Қуёш системаси масштабида қўлланиладиган узунлик бирлиги—астрономик бирлик (Қуёшдан Ергача бўлган ўртача масофа)ларда ўлчаш, анча ноқулайлик туғдиради. Шунинг учун ҳам юлдузларгача бўлган масофаларни ўлчашда, янги ўлчов бирлиги бир ёруғлик йили қабул қилинади. Бу бирлик шундай узунликка эгаки, бу масофани ёруғлик роса бир йилда босиб ўтади. Ёруғликнинг теслиги секундига 300 минг километрлигини назарга олсак. бир ёруғлик йили тахминан 10 триллион километрга тенг эканлиги маълум бўлади. Қуёшга қўшни (яъни Қуёш системасига энг яқин турувчи) юлдуз Центавр юлдуз туркумида жойлашган бўлиб, Проксима деб аталади. Бу юлдузгача бўлган масофа 4,3 ёруғлик йилини ташкил қилади. Бошқача айтганда, Проксимадан чиққан нур тўрт йилу уч ярим ойдан сўнг Ергача етиб келади. «Илон элтувчи» юлдуз туркумида жойлашган Бернард дейилувчи юлдузгача масофа 6 ёруғлик йилига, «Катта Айиқ» юлдуз туркумидаги Лаланда юлдузигача бўлган масофани эса, нур 8 йилда босиб ўтади ва ҳоказо.

Шундай қилиб, гарчи бир қарашда, юлдузлар Ердан бир хил масофада жойлашган сфера сиртида ётгандек туюлса-да, аслида турли масофаларда бўлади. Юлдузлар гўё тунда текис даштда кетаётиб, шаҳарга яқинлашаётган кишига шаҳар кўчалари ва биноларини ёритувчи электр лампалари аслида ундан турли масофаларда ётсада, бир хил масофада жойлашгандек бўлиб кўринадиган ҳолга жуда ўхшаб кетади. Кўпчиликка таниш «Катта Айиқ» (халқ тилида «Етти қароқчи» деб ҳам юритилади) юлдуз туркумидаги «чўмич»ни ҳосил қилувчи ёруғ юлдузлар ичида бизгадан 30—40 ёруғлик йили масофада ётган юлдузлар билан бирга, 100 ва ундан ортиқ ёруғлик йили масофада ётганлари ҳам мавжуд.

Юлдузларни эътибор билан кузатган ҳар бир киши, улар ранглари билан ҳам бир-бирларидан фарқ қилишларини осонгина сезади. Юлдуз ранги —унинг сирт ҳароратини характерлайдиган муҳим омиллардан ҳисобланади. Хусусан, тўқ қизил рангдаги юлдузлар нисбатан «совуқ» юлдузлар бўлиб, ҳарорати сиртки қатламида 2000—3000 даражага боради. Ҳаво ранг, оқ, кўк юлдузлар эса «қайноқ» юлдузлар ҳисобланиб, уларнинг сиртида ҳарорат 25—30 минг даражага етади. Юлдузларнинг спот ҳарорати спектрал метод ёрдамида. физик қонунлар асосида катта аниқлик билан топилади. Жумладан, Қуёш сариқ рангдаги юлдуз бўлиб. унинг сиртида ҳарорат 6000 даражагача етади. Гарчи юлдузнинг равшанлиги ҳам унинг сирт ҳарорати билан боғлиқ бўлса-да, бироқ юлдуз равшанлигига кўра ўзаро солиштириб ҳарорат ҳақида бир нарса дейиш қийин. Бунинг сабаби, юлдузнинг кузатувчидан турли масофада ётганлигидадир. Натижада, аслида равшан юлдузлар узоқда жойлашиб хира, хира юлдуз эса яқинда жойлашиб ёруғ кўриниши мумкин.

Юлдузлар ҳам табиатнинг универсал қонунига бўйсиниб туғилади, яшайди ва ўлади. Юлдузнинг туғилиши ва яшаш даври эволюциясини қандай ва қанча давом этишини белгилайдиган асосий омил унинг массасидир яъни юлдузнинг тақдирлари уларнинг массаларининг «қўлида». Ҳозирга қадар якка юлдузларнинг массаларини бевосита аниқлаш, астрономиянинг мушкул вазифаларидан ҳисобланади.

Юлдузларнинг катталиги масаласи ҳам юлдузлар сири бобида жуда қадимий «тилсимлар»дан ҳисобланади. Юлдузларнинг ҳажмларини ўлчаш, уларнинг вақт бирлигида чиқарадиган энергияси ва бирлик юзаси энергияси асосида топилади. Бу иккала энергия катталиклари, физик қонунлар асосида маълум юлдуз учун топилгач. уларнинг нисбати аниқланади. Аниқланган нисбат юлдузнинг тўла сиртини беради. Юлдуз шар формасида бўлганидан, унинг тўла сирти орқали радиусини осонгина топиш мумкин. Юлдузлар ичида энг йириги Цефей юлдуз туркумида жойлашган бу қизил гигант юлдуз Қуёшдан (Қуёш диаметри 1 миллион 400 минг километр) 1600 марта катталик қилади. Бошқача айтганда, Қуёшни тариқдек катталикка эга деб қаралса, Цефейнинг қизил юлдузи диаметри 3 метрдан ортик шар кўринишида бўлади.

Осмондаги юлдузлар ичида Қуёшдан бунчалик катта қизил юлдузлар билан бирга. Қуёшдан анча кичик —оқ митти юлдузлар ҳам учрайди. Сириус дейилувчи «Катта Ит» юлдуз туркумининг энг ёруғ юлдузининг йўлдоши (Сириус қўшалоқ юлдуз) Ердан атиги 4 марта катта диаметрга эга, яъни бу юлдузни тариқдек катталикка эга деб қаралса, Қуёш диаметри ярим метр келадиган тарвуз кўринишида бўлди. Бироқ, «кичкина деманг бизни» деганларидек, бу юлдузнинг зичлиги сув зичлигидан 30 минг марта ортиқлик қилади ва бир стакан ҳажмли бу юлдуз моддасининг оғирлиги Ерда қарийб 6 тонна келади.

Юлдузларнинг яна бир сирини «фош» қилайлик. Узоқ асрлар давомида коинотда юлдузлар ўзаро қўзғалмас деб қаралди. Бироқ, кейинчалик маълум бўлишича, юлдузлар ҳам ҳаракатдаги осмон жисмлари экан. Юлдузларнинг бундай ҳаракати хусусий ҳаракат дейилиб, бу ҳаракат турли даврлар (25, 50 ва 100 йиллар) оралатиб олинган осмоннинг маълум участкаларининг фото пластинкаларини солиштириш орқали топилди.

Юлдузларнинг хусусий ҳаракатларини ўрганиш фанга кўп янгиликлар беради. Жумладан, юлдузлар атрофида планеталар системасининг бор ёки йўқлиги. қўшалоқ ёки якка ўзи эканлиги. шунингдек қўшалоқ системанинг иккинчи ташкил этувчиси одидий юлдузми, нейтрон юлдузми ва ёки ҳозирги замон методлари асосида бевосита «кўриш»нинг иложи бўлмайдиган «қора ўра»ми эканлигини аниқлашдек қимматли материалларга эга бўлиш имконини беради.

Юлдузлар сири ҳали тўла ҳал қилингнича йўқ. Бироқ, бу соҳада янги методларнинг кириб келиши. космик аппаратлар ва орбитал станцияларга ўрнатилган йирик телескоп ва астрономик инструментлардан фойдаланиш. юлдузларга космик «ҳужум»нинг бошланиши юлдузларга доир «тилсим»ларни яқин йилларда сезиларли даражада ҳал қилинишига имкон яратади. деб ишонч билан айтиш мумкин.

М. МАМАДАЗИМОВ.
физика-математика фанлари кандидати, астрофизик.

Тошкент тўқимачилик комбинатининг бадиий устахонаси рассомлари 1981 йилнинг баҳор мавсуми учун чиқариладиган газламаларнинг янги гул нусхаларини яратишди. Ушбу суратда чит босиш-парзодлаш фабрикасининг нусха нўчирувчилари (чапдан-ўнгга) Людмила Хавелкина ва Светлана Елисеева гул нусхаларини мис валларга кўчириш пайтида.

И. Глауберзон фотоси.

ЯНГИ ШЕЪРЛАР

Султон АКБАРИЙ

ЮЛДУЗЛАР ШОНА-ШОНА

Юлдузлар шона-шона,
Хатларим дона-дона,
Қаламни сурмоқдаман.
Юлдузлар шона-шона,
Яна мен ёна-ёна,
Тарихга кирмоқдаман.
Юлдузлар шона-шона,
Севгига қона-қона,
Мастона юрмоқдаман.
Юлдузлар шона-шона,
Упич олиб байъона,
Ишқдан лоф урмоқдаман.
Юлдузлар шона-шона,
Келақол жона-жона,
Ловуллаб турмоқдаман.
Юлдузлар шона-шона,
Хатларим дона-дона,
Қаламни сурмоқдаман.

САҲАР

Бу тун ҳам бедор ўтди
Қароғларим тешилиб.
Юрак нимадир кутди
Толим-толим эшилиб.
Уйқу-ўлимнинг расми,
Унча ёқтирмас жиним.
Қадрла ҳар нафасни
Менинг уйқучи иним.
Кутсак ҳам, кутмасак ҳам
Бир куни тош қотамиз.
Текисланиб ер билан
Жим думалаб ётамиз.
Ким ўқир хом асарни,
Қўшилмас тирикликка.
Чақираман саҳарни
Меҳнатда шерикликка.
Ой ҳам ипак тарашар,
Саҳар келар ёрдамга.
Юлдузлар ҳам қарашар
Шоир деган одамга.

ТАСВИР

Бир титраб мавжланди илҳом,
Жимир-жимир Мойбулоқ.
Қани париваш гуландом,
Қўлдан чиққан ойқулоқ.
Топарманми чўлиқ бўлсам,
Санаб кетсам қўй изин.
Ковлаб кўрсам изгир чўлдан
Какраларнинг илдизин.
Қайси қирнинг устидайкин,
Қайси сой ёнбошида.
Қайси қиргий дўстидайкин,
Қайси овчи қошида.
Сувратини қайси булоқ
Кўрсатаркин яна бир.
Чизолмайман, қалам чўлоқ,
Ёрни излайди тасвир.

ХОНЛАР ҚИЗИ

СССР халқ артисти Зайнаб ХОНЛАРОВАГА

Хонлар қизи Зайнаб,
Ҳазардай қайнаб-қайнаб,
Таслим этавер жонни.
Айлантиравер қонни.
Бу муҳаббат даримай,
Наво билан қаримай,
Инжа санъатларинг соч,
Руҳимнинг кўзини оч.
Тирик бўлсам сирилай,
Ўлик бўлсам тирилай.
Маним армонсиз ганжим,
Қолмасин оҳу ранжим.
Ёндир, дўлланиб ёндир,
Қўшиқ инсонга нондир.

⊙ СУРАГАН ЭКАНСИЗ

СУТНИНГ МИНГ БИР ХОСИЯТИ

Ҳурматли редакция! Сутдек шифобахш неъматдан қандай маҳсулотлар тайёрланади, Ана шу шифобахш нарса бўлмаса керак. шу ҳақда маълумот берсангиз.
П. ГИЕСОВ, пенсионер.

Сутдан саноат йўли билан тайёрланадиган маҳсулотларнинг хили 150 га боради. Агар турли халқларнинг хонаки усулда тайёрлайдиган сут маҳсулотларини оладиган бўлсак, унинг сони ва саноғи йўқ.

Биз қуйида азиз оқшомхонни ўзбек хонадонида тайёрланадиган баъзи сут маҳсулотлари билан таништириб ўтамиз.

Широбча: Янги соғилган сут сузғич ёки докадан ўтказилиб, косаларга қуйилади, юзига дока ёпиб олиб қўйилади. Тахминан 10—12 соатларда сут бет олади ва бир оз қуюқлашади. Бу маҳсулот чой билан нонуштада ва бошқа овқатларга қўшиб ишлатилади.

Широбча асосан кечқурун соғилган сутдан тайёрланади. Широбча тайёр бўлиши учун ҳавонинг ҳарорати 29—35 градус атрофида бўлиши керак.

Қаймоқ: соғилган сут сузғичдан ўтказилгач, қайнатилади ва косаларга солиб олиб қўйилади. Тахминан 12—15 соатлардан кейин бет олади ва уни қошиқда йиғиб бошқа идишга тўпланади. 2—3 кунлик соғилган сутнинг бетидаги тўпланган қаймоқ яхши аралаштириб оловга қўйилади ва бир-икки минут илитилгач дарҳол совутилади.

Маска ёг: янги соғиб олинган сут қайнатилиб, хона ҳароратича совутилади ва махсус кув деб аталувчи идишга солиб кувланади. Юзага қалқиб чиққан мой шариклари сузиб олинади. Сут эса бошқа овқатларга ишлатилади.

Маска ёгни қатиқдан кувлаб ажратиб олиш ҳам мумкин. Қолган қуюқ қисми айрон қилиб ичилади.

Сариёг: маска ёг ёки қаймоқни қизитилган қозонга солиб эритилади, у қайнаб оқ кўпик ҳосил қилганда бироз сув сепилади. Кўпик пасайиб яна қайнаб чиқади ва қозон юзасида сап-сариқ ёг ажраб, остида эса оч жигарранг дурдаси ҳосил бўлади. Қозонни оловдан олиб совутилади ва сариёг юзидан ажратиб олинади.

Сариёг ҳам, дурда ҳам нонга қўшиб ейиш учун дастурхонга тортилади ёки бошқа овқатлар тайёрлаш учун ишлатилади.

Қатиқ: Қайнатилган сутни ҳурмачага қуйиб хона ҳароратигача совутилади. Сўнг бир литр сутга бир ош қошиқ ачитқи (аввалги ивитилган қатиқ) солиб, идишнинг юзи ёпилади-да, атрофи қалин мато билан ўраб қўйилади. Токи сут аста тоби чиқиб ачитувчи бактерияларнинг ривожланишига имконият туғилсин. Тахминан 10—12 соатлардан сўнг ёки бундан ҳам тезроқ вақт ўтгач қатиқ ивийди ва бет олади. Қатиқнинг ўзини ичиш, бошқа овқатларга қўшиб истеъмол этишнинг катта физиологик аҳамияти бор.

Сузма: бир литр қатиққа бир чой қошиғида туз аралаштириб чит халтага қуйилади-да салқинроқ жойга осиб, остига зардоб томадиган жомча қўйилади. Тахминан 20—24 соатларда зардоби оқиб сузма ҳосил бўлади. Сузмани бошқа таомларга қўшиб истеъмол қилинади. қурт тайёрланади. Зардобини тўкиб ташламаслик керак, уни бир қайнатиб сўнг совутиб ичилса, қанд касаллигига шифо бўлади. Зардоб мабодо ачиб колса, унда аёллар бош ювсалар сочларни мулойим қилади.

К. МАҲМУДОВ.

162-ўрта мактаб шаҳримиздаги энг намунали мантаблардан ҳисобланади.

СУРАТДА: рус тили ва адабиёти ўқитувчиси Антонина Ефимовна Свиридова ўқувчилар ўртасида.

Р. Альбеков фотоси.

⊙ СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ПОСБОНЛИГИДА

РЕЦЕПТДА... МУЗИКА КЎРСАТИЛГАН

Паланга курортида даволаш воситаларидан каторига... музика ҳам қўшилди. Беморлар бальнеологик шифохонада минерал сув ваннасини қабул қилгач яна бир процедурадан ўтадилар— шифобахш концерт тинглайдилар.

Литва республика курортология лабораториясининг олимлари консерватория муаллимлари билан биргалиҳда музиканинг соғайтирувчи таъсирини ўрганиб чиқдилар.

Шу тадқиқотларда курортологлар ясаган рефлексометр прибори ёрдам беради. Унинг ёрдами билан бирон музика асарининг одам психофизик системалари фаолиятига таъсири аниқ белгиланади. музиканинг мақбул «дозаси» ва характери аниқланади. Лабораторияда махсус музика дисклари туркуми барпо этилмоқда.

Келаси мавсумда Литванинг ҳамма курортларида музикавий терапия кабинетларини очиш кўзда тутилган.

(ТАСС).

⊙ НОЁБ ТОПИЛМА

ҚУМ БОСГАН ШАҲАР

Қизилқум остида қадимги турк шаҳри Кедер харобалари топилди. Республика фанлар академиясининг археологлари қалъа, жамоат маркази, савдо-ҳунармандчилик маҳалларининг қолдиқларини топдилар.

Қозоғистон ССР фанлар академияси тарих. археология ва этнография институти археология бўлимининг мудири К. Акишевнинг айтишича, бу шаҳар Сирдарё водийсида VI асрдан XII асргача мавжуд бўлган. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, бу деҳқончилик марказини XII асрда босқинчилар ёқиб юборган. Кедер марказида катта ибодатхона иншоотининг харобалари топилди. Булар орасида ислом дини маданияти ёдгорликларига хос ўйма терракота қолдиқлари чиқди. Бу мачит бундан минг йил аввал қурилган деб айтиш учун асослар бор.

Қадимги шаҳар республиканинг жанубида барпо этилган ўтроб ахреологик қўриқхонаси составига киритилди.

(ТАСС).

ЭКСПОНАТЛАР ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

БИР АСАР ТАРИХИ

1871 йилда Петербургда ташкил этилган сайёр рассомларнинг биринчи кўргазмасида моҳир мўйқалам устаси Николай Ге ўзининг «Петр I ўғли шаҳзода Алексейни сўроқ қилмоқда» деб номланган асари билан иштирок этди. Бу асар томошабинларнинг эътиборини жалб қилди. Таниқли коллекционер Третьяков, ҳатто император Александр II нинг ўзи ва Романовлар оиласи бу асарни харид қилиш истагини баён этдилар. Бу баҳсда машҳур рус коллекционери Третьяков ғолиб чиқди. Аммо императорнинг илтимосига биноан рассом бу асарнинг яна бир нусхасини яратди. 1872 йилда эса Романовларнинг буюртмасига кўра, айнан шу асарнинг яна бир нусхасини ишлади. Учала нусха ҳам бир-биридан деярли фарқ қилмас. истеъдодли санъаткорнинг маҳоратини кўз-кўз этиб турарди.

1882 йилда Тошкентга сургун қилинган князь Николай Константинович Романов Николай Ге асарини ўзи билан бирга олиб келади. 1918 йилдан буён буюк рассомнинг «Петр I ўғли шаҳзода Алексейни сўроқ қилмоқда» деб номланган ана шу асари республика санъат музейининг рус санъати залларидан бирида намойиш этилмоқда. Томошабинлар ҳамиша бу асар олдида узоқ тўхтаб қоладилар. Улар кўз ўнгида ўша тарихий давр, қаттиққўл ва тадбиркор Петр сиймоси намоён бўлади.

Музей илмий ходими Н. Обидова ёқинда тайёрлаган лекция сайёр рассом Н. Ге ижоди ҳамда унинг юқорида номи қайд этилган асари ҳақида ҳикоя қилади. Томошабинлар бу лекцияни музейнинг лекторийлар залида тинглашлари мумкин.

ИПАКЛАРИ ТИЛЛОДАН

Доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги муносабати билан республика санъат музейида Ўзбекистон рассомлари ижодида Ленин образига бағишланган кўргазма очилган эди. Кўргазмада таниқли каштачи санъаткор, Ўзбекистон халқ рассоми Фазилат Сайдалиева 1976 йилда яратган «В. И. Ленин» портретти ҳам намойишга қўйилди. Бу асар кўпгина томошабинларнинг эътиборини жалб этди. олқишига сазовор бўлди. Дарҳақиқат. доҳий портрети мойбўёқни эслатувчи фонда нозик иплар ёрдамида катта маҳорат билан тикилган. Ана шу асар ҳақида музейнинг таассуротлар дафтари. да ҳам талай ёзувларни учратиш мумкин. Мана улардан бири: «Мараккаб, лекин гўзал ва қизиқарли ҳунар — игна ва иплар ёрдамида, кўз нури ҳамда қалб ҳарорати билан дунёга келадиган юксак санъат бунёдкори Фазилат Сайдалиева ишига қойил қолдим. Асар ипак билан тикилганига бовар қилиб бўлмайди. Чунки у мойбўёқли суратнинг худди ўзи. Портрет жуда ҳам жонли ва ўзига хос. Заранданд Э. А., Грузия ССР, 1980 йил, ноябрь».

Каштачи рассомнинг бошқа қатор ишлари ҳам санъат мухлисларига яхши таниш. «Алишер Навоий». «Ғафур Ғулом». «Бобир». «Ибн Сино» сиқтари етук портрет асарлари бунга мисол бўла олади.

Шу кунларда рассом янги-янги асарлар устида иш олиб бормоқда.

М. АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейининг катта илмий ходими.

Таниқли қўшиқчи, ССР Иттифоқи Большой театри солистқаси, РСФСР халқ артистқаси Тамара Синявскаянинг номи мамлакатимиз ва чет эл опера санъати ишқибозларига яхши таниш.

СУРАТЛАРДА: Тамара Синявская: «Русалка» операсидан бир саҳна. Князь—РСФСР халқ артисти Евгений Райков, княгиня РСФСР халқ артистқаси Т. Синявская.

А. Коньков фотоси.
ТАСС фотохроникаси.

● ХИМИЯ — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

СУВ ТУРМАЙДИ

Бу газлама кўп синовлардан ўтди. Уни ғижимлашди. орқа-ўнгига қарамай кир ювиш тахтасига ҳўп ишқалашди ва ниҳоят совуқ сувга ботириб олишди. Шундан сўнг бир силкитилганда унда бironта ҳам асорат қолмади— на ғижимланган жойи, на ҳўл бўлган жойи билинар эди.

Бундаги бутун сир устки кийимга мўлжалланган ип-газламага янги синтетик препарат ва ишлов беришдадир. Ивановодаги «химпром» бирлашмасининг коллективи уни кўплаб тайёрлаб чиқаришга киришди.

Табиий ёки синтетик толадан тўқилган газлама ўттиз марта ювилганидан кейин ҳам сув юқтирмаслик хоссасини сақлаб қолади.

(ЎзТАГ).

ҲАР ТЎҒРИДА

ХАТ ТАШУВЧИ ҚАЛДИРҒОЧЛАР

Қадимги римликлар узоқ жойларга хатларни одатдагича каптарларга эмас, қалдиргочларни ташишга ўргатишган экан. Чунки қалдиргочлар каптарларга қараганда бир неча марта тез учадилар.

ЭНГ ҚАДИМГИ ҒИЛДИРАК

Болгариядаги Бокаво қишлоғи яқинида олиб борилган қазилмалар пайтида араванинг ғилдираги топилди. Мутахассислар бу топилмаларнинг ясалганига тахминан 6 минг йил бўлди, деб ҳисоблашди. Шунга кўра, у дунёдаги энг кўҳна ғилдиракдир.

ТО СПРАВКАЛАР БЮРОСИ

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Ш. ВОҲИДОВ: Мен футболга жуда қизиқаман. Айтингчи, спортнинг бу турини қаерда ўрганиш мумкин?

Жавоб: Волгоград кўчасидаги 81-уйда жойлашган «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамиятида футбол секцияси ҳам мавжуд. Секцияга асосан ёшлар қабул қилинади. У ерга метро орқали бориш жуда қулай. Ўзбекистон ССР 50 йиллиги станциясида тушиб, юқорига чиқсангиз жамият биносига дуч келасиз. 77-06-47, 77-82-70 телефонларига қўнғироқ қилиб қўшимча маълумотлар олишингиз мумкин.

∴ ∴ ∴

С. КАЛОНОВ: Спортнинг оғир атлетика тури билан шуғулланиш ниятидаман. Мақсадимни амалга ошириш учун нима қилишим керак?

Жавоб: Сиз истиқомат қиладиган территорияга яқин жойда «Ташсельмаш» заводининг «Ташсельмашевец» спорт клуби бор. У заводнинг ёнида жойлашган. Клубда оғир атлетика секцияси ҳам мавжуд. Клуб раисига учрашиб, секцияга ёзилишингиз ва оғир атлетика бўйича маҳорат оширишингиз мумкин.

∴ ∴ ∴

Ф. ИСМАТОВ: Шаҳримизда мотоцикл пойгасида қатнашиш сирларини ўргатадиган секция ёки ташкилот борми? Бор бўлса унинг қаерда жойлашганлиги ва қабул шартлари ҳақида маълумот берсангиз.

Жавоб: Октябрь район ДОСААФ комитети қошидаги спорт-техника клубида мотоцикл спорти секцияси ҳам мавжуд. Секцияга ўн олти ёшга тўлган ва ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлган йигитлар қабул қилинади. Ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлмаганлар шу ерда ҳайдовчилик касбини ўрганиб, кейин мотоцикл секциясидаги машғулотларда қатнашишлари мумкин.

Спорт-техника клуби Хизматчи кўчасидаги 96-уйда жойлашган. Бу ерга Хадра майдони орқали ўтилади.

Шунингдек. Собир Раҳимов. Чилонзор, Киров, Ленин. Хамза районлари ДОСААФ комитетлари қошидаги спорт-техника клубларида ҳам мотоцикл спорти секциялари бор.

∴ ∴ ∴

С. МИРЗАЕВ: Электрон қўл соатларини қаерда ремонтдан чиқариш мумкин? Шундай устахоналар адресини берсангиз.

Жавоб: «Техсложбитприбор» ишлаб чиқариш бирлашмаси қабул пунктларида электрон қўл соатлари ҳам ремонт қилинади. Бу бирлашма шаҳримизнинг Весна кўчасидаги 223-уйда жойлашган. Шу хусусдаги қўшимча маълумотларни 91-08-84 рақамли телефонга қўнғироқ қилиб билиб олишингиз мумкин.

М. ФАТТОҲОВА: Шаҳримизда китобларни почта орқали юборадиган магазин бор экан. Шу магазин қаерда жойлашган?

Жавоб: Бундай магазин шаҳримизнинг Чилонзор массиви. Волгоград кўчасидаги 10-«а» уйда жойлашган. Бу ерда аҳоли буюртмасига кўра китоблар почта орқали юборилади.

• • •

С. АЛИЕВА: Менга уй-рўзғорда ишлатиладиган электр приборларини тузатиб берадиган устахоналар адресини беришингизни сўрайман.

Жавоб: Шаҳримиздаги деярли ҳамма бозорлар территориясида «Металлобитрем о н т» комбинатининг қабул пунктлари бор. Шу пунктларда электр приборлар. синиб қолган велосипедлар тузатилади. Бундан ташқари, аҳоли буюртмаси бўйича турли хил уй-рўзғор буюмлари ҳам тайёрланади.

физкультура ва СПОРТ

• Куйи физкультура коллективларида

ИШТИЁҚ БИЛАН

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи ўнинчи беш йилликни катта меҳнат зафарлари билан якунлади. Улар шу кунларда ҳам ишлаб чиқаришда катта ютуқларни қўлга киритишмоқда. Ишчи ва хизматчиларнинг меҳнатлари самарали бўлишига секцияларда мунтазам ўтказилаётган машғулотлар, бирлашма миқёсида ташкил этилаётган спартакиада ва турли беллашувлар муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Айни пайтда эрталаб ўтказилаётган ишлаб чиқариш гимнастикаси машғулотлари билан ишчи ва ходимлар иштиёқ билан шуғулланишяпти.

Корхонада меҳнат қилаётганлардан 1973 нафари «Меҳнат» кўнгилли спорт жамиятининг аъзоси ҳисобланади. 560 ишчи эса спорт билан мунтазам шуғулланмоқда.

Ҳ. Иброҳимова, З. Шарипова, Т. Аҳмедовалар социалистик мусобақада пешқадамлик қилиш билан бирга жамоатчилик асосида ишлаб чиқариш гимнастикаси машғулотларини ўтказишда ҳам фаол қатнашмоқдалар. Корхонада айниқса, спортнинг волейбол, стол тенниси, сузиш, шахмат, шашка, тоғ чанғи спорти сингари турлари жуда оммалашган. П. Смирнов, Г. Кудренко, Ю. Касаевлар тренерлик қилаётган секциялардаги машғулотлар мунтазам ўтказилмоқда.

Шуни ҳам айтиш керакки, жуда кўп ишчилар В. Митрофанов номли сув спорти саройида ўтказилаётган машғулотларда мунтазам қатнашишмоқда. Секцияга бирлашма физкультура советининг раиси Т. Смирнов раҳбарлик қилянти.

Ўтган йил корхона спортчилари учун ҳам самарали бўлди. 246 ГТО нишондори тайёрланди. Вақтдан ўзиб ишлаётган тикувчи З. Комилова Бутуниттифоқ комплексининг олтин нишони билан тақдирланди. 148 оммавий разрядли спортчи тайёрланди. Айни пайтда жамоатчи инструктор ва судьялар тайёрлаш борасида ҳам салмоқли ютуқ қўлга киритилди.

— Бу йил, — дейди бирлашма спорт инструктори В. Грицелюк, — натижаларни янада яхшилашни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Яқинда жасур ўзбек қизи Майна Ҳасанова хотира соврини учун енгил атлетика бўйича ўтказилган шаҳар мусобақасида қатнашдик. Шанба ва якшанба кунлари Чимён, Хўжакент тоғларига чиқиб, спортнинг қишки турлари бўйича малака ҳосил қиляпмиз.

Ўтган йили «Меҳнат» кўнгилли спорт жамияти биринчилиги учун ўтказилган мусобақада учинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлган эдик. Ҳозир эса натижаларни яхшилаш тадбирларини кўраяпмиз. Ишчилар айниқса, шахмат бўйича ўтказилган беллашувларда иштиёқ билан қатнашишмоқда. Жумладан, тикувчилардан Ҳ. Маҳмудова, Г. Адҳамова, Р. Ҳакимовалар учинчи разряд нормативини бажаришга муваффақ бўлишди.

Қисқа қилиб айтганда, спорт бирлашма ишчилари ва хизматчиларига меҳнатда янги зафарларни қўлга киритишга кўмакдош бўляпти. Шунинг учун ҳам жисмоний тарбия билан шуғулланиш иштиёқмандларининг сафи тобора кенгайиб бормоқда.

ЗАВОД СПАРТАКИАДАСИ

«Таштекстильмаш» бирлашмасида» спартакиадалар ўтказиш анъана бўлиб қолган. Спартакиада программасидан спортнинг ўн тури ва ГТО кўп курашли мусобақалари жой олган. Яқинда баскетбол бўйича ўтказилган турнирга якун чиқарилди.

Бошқа коллективларга нисбатан энг кўп очко тўплаган энергия цехининг командаси биринчи ўринни эгаллади. Ўн бир очко тўплаган беш коллектив ўртасида совриндорни аниқлаш учун қўшимча турнир ўтказишга тўғри келди. Бу сафар омад механика ва ремонт-механика цехларининг командаларига ёр бўлди.

Завод спартакиадасида 500 дан зиёд ишчи ва ходим иштирок этди. Энди футбол, гандбол, стол тенниси ва спортнинг бошқа тури бўйича беллашувлар ўтказиш белгиланмоқда.

Юнусобод массиви йилдан-йилга обод ва кўркам бўлиб бормоқда. Ўтган йили бу ерда кўплаб турар-жой бинолари ва маданий-маиший объектлар ишга туширилди. Бу йил ҳам «Ташгипрогор» лойиҳалаш институти коллективи томонидан яратилаётган лойиҳалар бўйича кўплаб тўққиз қаватли бинолар қурилиши мўлжалланмоқда.

СУРАТДА: Ўтган йили қад кўтарган янги лойиҳадаги эксперименталь турар-жой биноси. Бинонинг биринчи қаватида «Мебель» магазини жойлашган.

Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

САНЪАТКОРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Республика театр жамияти правлениеси пойтахт санъат даргоҳларининг кекса ва ёш авлоди вакиллари билан турли учрашувларни ўтказмоқда.

Бундай учрашувлардан бири Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси ходимлари учун ўтказилди. «Ўзбекистон» маиший хизмат уйининг зиёфатлар залида бўлган бу учрашувга Ўзбекистон ССР халқ артисти Марям Еқубова, Алишер Навоий номли Ўзбекистон Давлат катта опера ва балет театрининг раққосаси, республикада хизмат кўрсатган артист Дилафрўз Жабборова, шу театр солисти Мурод Нормуродов, Озод Каримов бадиий раҳбарлигидаги халқ чолғу асбоблари ансамбли меҳмон бўлиб бордилар. Учрашувда санъаткорлар милиция ходимларига ўзларининг ижод йўллари ҳақида гапириб бердилар, бир неча асарлардан намуналар ижро этдилар.

Ана шундай учрашувлар Тошкент Давлат медицина институтининг янги биносида, Қизил байроқли Туркистон ҳарбий округининг қисмларидан бирида ва бошқа жойларда ўтказилди. Уларда Тошкентдаги оперетта, Горький номли рус академик драма театрлари санъаткорлари, «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси бадиий ҳаваскорлари қатнашдилар.

• АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИДА

Коллекцияда хатлар

Ленинградлик М. Добин тўплаган коллекция А. С. Попов номли марказий алоқа музейининг ходимларига рус почта тарихининг кўпгина номаълум саҳифаларини очишга имкон берди.

Бу тўпламда минглаб хатлар бўлиб, уларнинг дастлабкилари XVIII асрдаёқ ёзилган. Айни ўша пайт— 1714 йилда Петербург почтамти ташкил қилинганди. Коллекцияда ҳар хил хатлар учун ҳар хил штемпель босма излари бор. Аммо бу почтамт мамлакатнинг бошқа шаҳарлари ва чет элларга хат юбориш учунгина ишларди. 1833 йилнинг январидагина шаҳар ички хатларини ташиш билан шуғулланувчи шаҳар почтаси очилди. Ўшанда майда-чуйда нарсалар сотиладиган дўкончалар почта қутиси вазифасини адо этарди. Махсус хат ташувчилар дўконларга йиғилган хатларни олиб, уларни хиллаш учун почтага борардилар.

Коллекция материалларидан кўринишича, петербурглилар адрес ёзишнинг ягона қоидаларга амал қилмасдилару, лекин почта ташувчиларнинг ишини енгиллаштиришга ҳаракат қилардилар. Масалан, ўша замондаги хатлардан бирига: «Нева проспектида қишки от майдонининг рўпарасидаги 157-номерли Жаденовский уйида истиқомат қилади» деб ёзилган.

Коллекцияда Россиянинг дастлабки почта пули тўланганлик белгилари — ҳозирги замон конвертларининг ибтидоси бўлмиш «штемпель кувертлари» ҳам бор. Ўша кувертларга давлат герби, айқаштирилган почта карнайларининг тасвири босмахона усули билан босилган бўлиб, юборилган хатнинг почта ҳақи унинг вазнига боғлиқ бўлган. Конвертлардан сўнг 1848 йилда почта қутилари ҳам пайдо бўлган. Чунончи ўша қутилар сал кам 3 пуд келарди: қутилар «қўлли бўлиб кетмаслиги» учун чўяндан қуйиларди. Орадан 10 йил ўтгач, ватандошларимиз маркалардан фойдалана бошладилар. Бу маркалар ҳозирда ҳам юборилаётган хатнинг қийматини белгилайди.

Тош мўъжизаси

Ураллик эртакчи Бажов тараннум этган тош гул инсон санъатининг тожидир. Донбассда эса табиатнинг ўзи шундай мўъжизани яратган.

Константиновка шаҳри яқинида жойлашган мамлакат территориясидаги бирдан-бир палеонтологик қўриқхонада тошга айланган гул у ёқда турсин, бўйи 12—15 метрга борадиган бутун-бутун дарахтларни ҳам кўриш мумкин. Тош дарахтларнинг пайдо бўлишини олимлар бундай деб тушунтирадилар: бундан 250—260 миллион йил аввал ҳозирги Донецк тоғ кряжи ўрнида каттакон ботқоқ текислик бўлган. Бу ерда улкан қирқ бўғим папоротник ўсимликлари орасида ҳозирги игна барг ўсимликларнинг аждоди араукари ҳам ўсган. Тош ўрмон айни шу дарахтлардан ташкил топган.

Доимо кўм-кўк ўрмонзорлардан ўтган қаттиқ бўронлар ва шу бўронлар чоғида ёққан жала довдарахтларни илдизи билан дарёларга оқизиб, лойқа ўзанларида уйган. Бу ерда кислородсиз улкан дарахтлар кўмирга айланолмай, тош бўлиб қолган. Орадан миллион-миллион йиллар ўтади. Ер пўстлоғининг жўшқин бурмаланишлари чоғида Константиновка — Дружковская антиклинали — каттакон қабарлик ер пайдо бўлади ва шу жойда ер остида қолиб кетган дарахтлар ҳам тоғ жинслари билан бирга кўтарилиб қолади.

Тош дарахтларни давлат ўз муҳофазасига олган. Табиатнинг бу нодир ёдгорлиги Донецк университетининг планета узоқ ўтмишини ўрганувчи олимлари ва студентлари учун лаборатория бўлиб қолди.

КЎЧМА КЎРГАЗМА— АНГРЕНДА

Ўзбекистон ССР Давлат Санъат музейи пойтахтимиздагина эмас, балки шаҳардан ташқаридаги посёлкалар, район марказларида ҳам суратлар кўргазмасини очиб, тасвирий санъат ишқибозларини мамнун этмоқда. Бу кўргазмалар музей фондидаги нодир картиналардан тузилган бўлиб, улар маълум тематикаларга бўлинади.

БУГУН ана шундай кўчма кўргазмалардан навбатдагиси Ангрен шаҳрида очилди. У ердаги В. Уфимцев номли тасвирий санъат галереясида музей экспонатларидан 55 таси намойиш қилина бошланди.

XVIII—XIX асрларда рус тасвирий санъати ҳақида маълумот берадиган ушбу кўргазмани санъат мухлислари катта қизиқиш билан томоша қилмоқдалар.

ҲОДИСА ҚУЛФБУЗАР

Район ички ишлар бўлимининг марказлаштирилган соқчилик пунктида ўрнатилган аппаратлар биринкетин ишлаб кетди. Кетма-кет қўнғироқ овози жаранглади. Навбатчилик қилаётган қизлар — Жамила Қорабоева билан Ранса Дроботова воқеанинг 1-Черданцев массивидаги 20-уйнинг 37-квартирасида содир бўлаётганини аниқладилар. Уй эгаси ҳамиша бирор ёққа иш юзасидан командировкага кетаётганида марказлаштирилган соқчилик пунктини бундан хабардор қилиб қўярди...

Навбатчи қизлар бўлган воқеани навбатчилар — кичик лейтенант Дагар Эргашев, сержантлар — Акрам Акбаров ва Норхўжа Ориповларга билдиришди. Жамоатчилик соқчилари зудлик билан ўғирлик содир бўлган жойга етиб келишди. Хонада чироқ ёниқ, лекин «эшикни оч» деб қилинган талабга ичкаридан жавоб бўлмади. Милиция ходимлари бир-бирларига маъноли қараб қўйишди.

Улар секин орқага қайтиб, пастга тушиб тепани кузата бошлашди. Шу пайт эшик қулфига калит солинди ва эшик секин очилди. Текинхўр осонликча қутилмоқчи бўлиб, тезлик билан пастга отилди. Осойишталик соқчилари ўғрини қўлга тушириб, бўлимга олиб келишди. Аниқланишича, қулфбузар 23 ёшли Козим Насимов бўлиб чиқди. У текинхўрлик билан ҳаёт кечириш йўлига кирганлиги сабабли илгари ҳам қамалиб чиққан. Аммо бундан тегишли хулоса чиқариб, фойдали жамоат иши билан шуғулланмади. Энди иккинчи бор халқ судининг қора курсисида ўтириб, қилмишига яраша жазосини олади.

М. МАҲКАМОВ,

Қуйбишев район ички ишлар бўлимининг милиция лейтенанти.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ТЕАТРИДА — 6/I да «Кузнинг биринчи куни», 7/I да «Кузнинг биринчи куни» (12.00), «Келинлар қўзғолони» (19.30).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА —7/I да «Ҳижрон».

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Наталья РУБАНОВА раҳбарлигидаги «ИЛЛЮЗИОН КАЛЕНДОСКОП» аттракциони иштирокида «ЦИРКДА АРЧА» ЯНГИ ЙИЛ ТОМОШАЛАРИ (16, 19.30).

КИНО

6 ЯНВАРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЭКИПАЖ» — Санъат саройи (катта зал, 16, 19.45, телефон 44-39-51), Чайка (16, 18.30, 21.00), телефон 77-06-20), Нукус (16, 18.30, 20.45, телефон 46-70-69), Восток (1-зал, 16, 18.30, 21.00, телефон 91-14-61), Москва (16, 18.30, 21.00, телефон 33-05-01).

«ХИЗМАТДОШ ОШИҚЛАР ҚИСАСИ» — Искра (17, 19.45, телефон 39-14-59).

«ҚАЙТИШ УЧУН БИЛЕТ» — Ҳамза номли (жуфт соатларда, телефон 91-10-51).

«ИВАН ВАСИЛЬЕВИЧ КАСБИНИ ЎЗГАРТИРАДИ» — Восток (2-зал, жуфт соатларда).

«АЛИБОБО ВА ҚИРҚ ҚАРОҚЧИ САРГУЗАШТЛАРИ» — Лисунов номли (17, 20.00 телефон 91-34-02).

Ўзбекистон Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

10, 11 ЯНВАРЬ СОАТ 19.00 ДА

М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ «ГЎЗАЛ» АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Қорақалпоғистон АССР халқ артисти.

ГУЛШОД ОТАБОЕВА

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

ҚИЗЛАРХОН ДУСТМУҲАМЕДОВА

Солистлар: Баҳодир БАКИРОВ (Наманган), Тоштемир ТОҲИРОВ, Абдуқодир ЮСУПОВ, Хасан КАРИМОВ, Феруза СОЛИҲОВА, Гулнора АЪЗАМОВА.

Юмор, сатира ва интермедия ижрочиси Абдуфаттоҳ САИДОВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Программани — Ойдин ТОҲИРОВА олиб боради.

«ГЎЗАЛ» ансамблининг бадиий раҳбари— композитор Султон АНВАРОВ.

Музика раҳбари— Туйғун ОТАБОЕВ.

Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан сотилади.

ТОШКЕНТ САЁҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРОСИ

САЁҲАТ ИШҚИБОЗЛАРИНИНГ ҲАММАСИНИ ҚОРА ДЕНГИЗ БУЙЛАБ

ТЕПЛОХОДДА САЁҲАТГА ЧОРЛАЙДИ

Одесса — Ялта — Сочи, Болгария Халқ Республикаси ва Руминия Социалистик Республикасига кириб ўтилади.

Сиз 1981 йил 16 февралдан 2 мартгача ва 30 мартдан 13 апрелгача «Башкирия» комфортабелли теплоходида саёҳат қиласиз.

Путёвка баҳоси 475 сўмдан 570 сўмгача.

Теплоходда дам олиш учун ҳамма шароитлар муҳайё этилган.

Кутубхона, музика салони, кинозал, бар, ресторан туристлар хизматида.

Икки томонга кира ҳақи, теплоходда яшаш, уч маҳал овқат ва ҳамма шаҳарларда экскурсия хизмати путёвка баҳосига киради.

Путёвкани пул ўтказиш йўли билан ва нақд пулга сотиб олиш мумкин.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Парадлар ҳиёбони, 5-уй. Телефон: 39-13-59.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ САНЪАТ МУЗЕЙИ

«СОВЕТ САНЪАТИ»

ЦИКЛЛИ ЛЕКЦИЯЛАРИ ДАМ ОЛИШ КУНИ ЛЕКТОРИЙСИ

9 январь — Совет санъати ривожланишининг асосий босқичлари.
11 январь — Ленин тасвирий санъатда.
18 январь — Рассомлар—Ленин мукофоти лауреатлари.
25 январь — СССР халқ рассоми Б. В. Иогансон.
8 февраль — Ўзбекистон рассомлари.
15 февраль — СССР халқ рассоми Ўрол Тансиқбоев.
22 февраль — Совет Армияси рассомлик санъатида.

Лекцияларни музей илмий ходимлари диапозитив кўрсатувлар ёрдамида ўқийдилар.

Лекциялардан сўнг санъатга бағишланган фильмлар намойиш қилинади.

Лекциялар соат 12.00 да бошланади.

Циклли лекцияларга билетларни музей кассасидан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 15-уй. Справкалар учун телефонлар: 32-73-45.

ДИҚҚАТ! БОЛАЛАР КИНОГА БОРАМИЗ

БОЛАЛАР УЧУН ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КИНОТЕАТРЛАРДА ЯНВАРЬ ОЙИДА НАМОЙИШ ҚИЛИНАДИГАН ФИЛЬМЛАР РЕПЕРТУАРИ

«ПИОНЕР» КИНОТЕАТРИДА

КИЧКИНТОЙЛАР УЧУН

6 — 11 да — ҚУВНОҚ КАРУСЕЛЬ.
12— 18 да — УЙ ЦИРКИ.
19— 25 да — ШПИОНЛИК ЭХТИРОСЛАРИ.
26— 31 да— ЖУНГЛИДАГИ ОЛИШУВ.

Сеанслар соат 11, 12, 13.00 да бошланади.

ЮҚОРИ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН

6—7 да — БОЛАЛИКДАН СЎНГ ЮЗ КУН.
8— 11 да— ТАЙГА ИМПЕРАТОРИНИНГ ТУГАТИЛИШИ.
12— 14 да — БИРОВГА БЕРИЛМАЙДИГАН КАЛИТ.
15— 18 да — ИВАННИНГ БОЛАЛИГИ.
19— 21 да— Р. В. С.
22— 25 да — ҚУЙЛОВЧИ ОРОЛ СИРИ.

«ГЎНЧА» КИНОТЕАТРИДА

7—8 да—ҚИРҚ ЕЛҒОН.
9— 11 да— АЙТАЙЛИК, СЕН КАПИТАНСАН.
12— 13 да— ПОЙГА АВТОМАШИНАСИДА ГИ ЖАСУР БОЛАЛАР.
14— 15 да — КИМДАН ЎРНАК ОЛАЙ?
16— 18 да— ЙЎЛБАРС КЕРАК.
19— 20 да — НУҚТА, НУҚТА, ВЕРГУЛ.
21—22 да—УЙ ЦИРКИ.
23— 25 да— СОЛТИ.
26— 27 да — САНЧО СОДИҚ ДЎСТ.
28— 29 да — ЗОЛУШКА.
30— 31 да— ҚУЙЛОВЧИ ОРОЛ СИРИ.

РЕСПУБЛИКА «БИЛИМЛАР УЙИ» ВА ТОШКЕНТ КИНОҲАВАСКОРЛАР КЛУБИ

4 ОЙЛИК

ҚИНОҲАВАСКОРЛАР ҚУРСИГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Биринчи бўлим ҳаваскор киностудияларнинг раҳбарларини тайёрлайди.

Иккинчи бўлим киноҳаваскорларни ўқитади.

Курсларни тугатганлар кинони суратга олиш ва овоз бериш, киноплёнкаларни ишлаш ва монтаж қилиш техникасини эгаллаб чиқадилар.

Ўқиш бепул.

МАШҒУЛОТЛАР — 7 ЯНВАРДА БОШЛАНАДИ.

Аризалар қуйидаги адресла қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Киров кўчаси, 24-уй. Телефон 56-62-78.

ДУДБУРОНИ БЎЛГАН ГАЗ АСБОБЛАРИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ ГРАЖДАНЛАР ВА ЎЗ ШАХСИЙ УЙЛАРИДА ЯШОВЧИ АХОЛИ

ДИҚҚАТИГА!

Дудбуронли газ асбоблардан фойдаланганда бахтсиз ҳодисалар олдини олиш учун аввало дудбуронларнинг ҳаво тортиш тортмаслигини албатта, текшириб кўринг. Агарда дудбурон ҳаво тортмаётган ёки ҳавони ёмон тортаётган бўлса, газ асбоблардан фойдаланиш қатъиян ман этилади.

ЭСДА ТУТИНГ!

Дудбуронларнинг ҳаво тортмаслиги ёки ҳавони ёмон тортишлиги натижасида хонага заҳарли ис гази тўлиши ва кишини заҳарлаши мумкин.

Дудбуронларни текшириш, профилактика ўтказиш ва ремонт қилиш масалалари бўйича қуйидаги адресга мурожаат қилинсин:

Ленин, Куйбишев, Октябрь, А. Икромов, Чилонзор районлари — Куйбишев райони, Красновосточная кўчаси, 114-уй, ТашгорДПО.

Ҳамза, Киров, Сергели, Фрунзе, С. Раҳимов районлари — Ҳамза райони, Алиев кўчаси, 72-уй.

«ТАШГАЗ» БИРЛАШМАСИ.

ЧИЛОНЗОР ВА АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОНЛАРИ АҲОЛИСИ

ДИҚҚАТИГА!

ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИНГ ЯНГИ ФОРМАСИ —

АВТОМАТ-ДИСПЕТЧЕР СИЗНИНГ ХИЗМАТИНГИЗДА

Агар телевизорингиз ишламай қўйган ва Сиз кун давомида радио-механикни чақиришга улгура олмаган бўлсангиз, телевизорингизни ремонт қилдириш учун «ЗАНГОРИ ЭКРАН» автомат-диспетчери ёрдамида заявка беришингиз мумкин.

Бунинг учун 77-55-22 телефонига қўнғироқ қилиш ва автоматнинг берган саволларига муфассал жавоб бериш керак. Автомат Сизнинг вазиятингизни ҳисобга олиб, радиомеханикнинг бориш вақтини айтиб беради.

Автомат диспетчер ҳар куни 19.00 дан то 20.00 гача ишлайди.

Радиотелеаппаратларни ремонт қилиш тўғрисида Сиз 77-65-20 телефони —автожавоб берувчидан справка олишингиз мумкин.

ТОШКЕНТ ШАҲАР «ЗАНГОРИ» ЭКРАН» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

6 ЯНВАРЬ—СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.15 «Шахмат мактаби». Оқ руҳ. 18.45 КПСС XXVI СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАМИЗ. Александр Дуденков ва унинг бригадаси. 19.00 «Қувноқ нотачалар». 19.45 «Дунё воқеалари». 19.30 «Фан оламида». Тожикистон ССР Фанлар академияси. 20.10 «Давр, олга бас!». Бадиий фильм. 2-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Твардовский уйи». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. «Адабий мерос» туркумидан. 23.05 «Дунё воқеалари». 23.20 Москва камер оркестрининг концерти.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

22.00 Рассомлар ҳақида ҳикоялар. СССР халқ рассоми Б. Ефимов. 22.30 Г: бол бўйича «Кубок Балтики» халқаро турнири Эркаклар. СССР —Норвегия терма командалари. 2-тайм. МАСК универсал спорт залидан олиб кўрсатилади 23.00 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 23.15 баскетбол бўйича СССР чемпионати. Эркаклар. «Спартак». (Ленинград)— АСК (Киев). Ленинграддан олиб кўрсатилади. 24.00 Москва кўрсатувларининг охири.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 «Тенгдошларинг ижоди». 18.50 «Миллионлар ленинча университети». «Моддий-техника базасини яратиш — партия билан халқнинг бош иқтисодий вазифаси. 19.10 «Шеърият дафтаридан», Рўзи Қодирий. 19.30 «Ахборот». (рус.). 19.45 «Қуйлар ҳам учрашди». Фильм-концерт. 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон ССР халқ артисти М. Шамаева ва Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ф. Белялов куйлайди. (такрорий). 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Чорвачилик — зарбдор фронт». Шаҳрисабз районидаги чорвадорларнинг тажрибаси ҳақида. 22.35 «Авлодлар». Бадиий фильм 2-серия. 23.35 Кўрсатувлар программаси.

7 ЯНВАРЬ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 Мультфильм. 10.25 «Давр, олга бос!». Бадиий фильм. 2-серия. 11.25 «Киносаёҳатчилар клуби». 12.35 Янгиликлар.

15.00 Янгиликлар. 15.20 Ҳужжатли фильмлар программаси: «Хатарли чорраҳаларда» («Белорусьфильм»), «Талгатнинг юксак осмони» («Қозоқфильм»), «Новороссийскка қайтиш» (Ростов кинохроника студияси). 16.20 «Ёшлар ижоди». 16.50 «Коммунистлар ҳақида ҳикоялар». 17.20 «Горичилар қаердасиз!». 17.50 «Дунё бўйлаб 80 кун». Кўп серияли мультфильм премьераси. 7- ва 8-сериялар (Австралия). 18.35 «Биз БАМни қуряпмиз». 19.00 «Болаларга аталган шеърлар». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 КПСС XXVI СЪЕЗДИ ШАРАФИГА. Литва ССР телевидениесининг программаси. 21.30 «Время». 22.05 «Ҳужжатли экран». Кўрсатувни шоир Р. Рождественский олиб боради. 23.10 «Дунё воқеалари». 23.25 Р. Глиэр. Арфа ва оркестр ижроси учун концерт. РСФСРда хизмат кўрсатган артист О. Эрдели ҳамда Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосининг симфоник оркестри ижро этади.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ КАНИКУЛ КУНЛАРИДА

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Кучукчаларнинг саргузашти». Мультфильм. 6-7-8- сериялар. 11.50 «Бойчечак» (такрорий). 12.20 «Охирги иккі». Бадиий фильм (рус.).

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Қиш эртаги». Концерт (рус.). 18.40 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг». 19.10 КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ XXVI СЪЕЗДИГА ЛОЙИҲАСИ — УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Ёзувчи ва замон». Пиримқул Қодиров. 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист М. Йўлдошева ва солистлар Э. Давлатов, О. Эминов, Х. Жўраев иштирокида лирик концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Синган тақа». Бадиий фильм. 23.20 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги 23.35 Кўрсатувлар программаси.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси коллективи босмахона ходими

Фарида Шокировна ҲАКИМЖОНОВАнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумани оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

М. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари филармониянинг солисти О. Еқубовага турмуш ўртоғи, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист

Исоқхон ҚОДИРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

4 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»), —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета,

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши —32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги —32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ варлик ишлари —32-58-85; хатлар—33-29-70; — 32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; эълонлар бўлими —33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарнавбатчилари—33-90-50.

6 ЯНВАРЬ, 1981 й. Р—01711. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Б—2017.